

Ishonch

Yurt taraqqiyoti yo'lida birlashaylik!

• O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri • Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan



КЕЛАЖАКДАГИ АНИҚ ВАЗИФАЛАРНИ БЕЛГИЛАБ БЕРУВЧИ МУҲИМ ПЛАТФОРМА

Москвада Россия мустақил касба уюшмалари Федерациясининг XII курултойи бўлиб ўтмоқда. Унда аъзо ташкилотлар томонидан сайланган 600 нафар делегат, Россия мустақил касба уюшмалари Федерацияси билан ҳамкорлик қилаётган касба уюшмалари ва касба уюшмалари бирлашмалари раҳбарлари, 10 та давлатдан миллий касба уюшма марказлари вакиллари меҳмон сифатида иштирок этмоқда.



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Қозғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев 5 апрель куни ташриф билан мамлакатимизда бўлди.
Қўхна Хива шаҳрида Президентлар учрашув ўтказдилар. Шундан сўнг улар «Хива гиламлари» комбинатида ташриф буюрдилар.
Қозғистон Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев ҳамроҳлигида қадимги Хиванинг Ичан-қалъа мажмуиси тарихий обидалари ва Нуриллабой саройини зиёрат қилди.
Шу билан Қозғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаевнинг Ўзбекистонга ташрифи якунланди.



Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси раиси Қудратилла Рафиқовнинг Россия мустақил касба уюшмалари Федерацияси XII курултойидаги нутқи

Хурматли курултой делегатлари ва меҳмонлари!
Хонимлар ва жаноблар!
Авалло, хурматли Михаил Викторович Шмаковни Россия мустақил касба уюшмалари Федерацияси раисидек юқори ва масъулиятли лавозимга қайта сайлангани билан чин қалбдан самимий табриклашга ижозат бергайсиз.

Биз барчамиз Михаил Викторовични улкан тажрибага эга доно раҳбар, зўр ташкилотчи ва ўз соҳасининг ҳақиқий устаси сифатида биламиз.

31 йилдан буён Россия касба уюшмаларида раҳбарлик қилиб келар экан, у бу улкан ва қудратли кема Россия Федерацияси меҳнатчилари ва бутун кўп миллиятли халқи манфаати йўлида тўғри йўналиш олиши учун кўп ишларни амалга оширди.

Россия мустақил касба уюшмалари Федерацияси курултойлари уни кетма-кет етти марта ўз раҳбари этиб қайта сайлагани ҳам унинг мамлакатдаги улкан обрў-эътиборидан далолат беради.

Ишончим комилки, хурматли биродаримиз ва дўстимиз Михаил Викторовичнинг доно раҳбарлигида Россия касба уюшмалари ўз сафларини янада мустаҳкам бирлаштириб, ўз буюк Ватани фаровонлиги йўлида янгидан янги ютуқларга эришадилар.

Қадрли ҳамкасблар!
Россия мустақил касба уюшмалари Федерациясининг XII курултойи дунёдаги таҳликали геосийёсий вазиятда бўлиб ўтмоқда. Биз барчамиз яқинда кўпайиб инсонлар ўлимига сабабчи бўлган «Крокус Сити Холл»даги муҳим террористик хужунинг таъсири остида яшамокдамиз. Давлатимиз раҳбари Шавкат Миромонович Мирзиёев ўша куни биринчилардан бўлиб, Ўзбекистон халқи номидан Россия Федерацияси Президенти

Владимир Владимирович Путинга самимий ҳамдардлик изхор этди.

Ўз мактубида Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон халқи тинч аҳолига нисбатан уюштирилган ушбу террористик актни кескин қоралашини ҳамда бу ғайриinsonий жиноятнинг барча ташкилотчи ва ижрочилиари аниқланиши, муқаррар жазоланишига ишонч билдирди.

Президентимиз халқ бўлганларининг яқинларига самимий ҳамдардлик сўзларини изхор қилиб, барча жабрланганларнинг тез фурсатда соғайиб кетишларини тилади.

Шуни алоҳида таъкидлашга керак эмаски, ҳозир ҳеч бир мамлакат бундай террорчилик хужуридан қалқиб қолмаганга эга эмас.

Ўзaro яқин қардошлиқ муносабатларимиздан келиб чиқиб, олти миллионлик Ўзбекистон касба уюшмалари аъзолари россиялик ҳамкасбларига шундай оғир ҳамда елкадош ва ҳамдард эканини изхор қиламиз.

Биз қатъий ишонимизки, Россиянинг улуг халқи бу синовни ҳам мардона енгиб ўтади ва замонавий таҳдидлар ва хавф-хатарларга қарши янада жипсрок бўлиб бирлаша олади.

Фурсатдан фойдаланиб, сизларнинг эътиборингизга қуйидаги дўстона таклифимизни кўриб қиқш учун киритмоқчиман.

Ушбу террористик хужудан азият чеқкан оилаларни хар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси бу оила фарзандларидан 100 нафарини жорий йилнинг июнь ойида мамлакатимизнинг энг яхши болалар оромгоҳларида дам олишларини уюштиришни таклиф қилади. Болалар Тошкент ва Самарқанд шаҳрининг диққатга сазовор жойлари билан танишиш имконига ҳам эга бўладилар.

Ўзбекистон касба уюшма-

лари Федерацияси авиаташувлар ва болаларнинг мамлакатимизда бўлиши билан боғлиқ барча харажатларни ўз зиммасига олади.

Азиз дўстлар!
Мамлакатларимиз ва халқларимизни стратегик иттифоқчилик ва шерикчилик тамойилларига асосланган кўп асрлик дўстлик ва ҳамкорлик ришталари чамбарчас боғлаб туради.

Тарихнинг энг мураккаб даврларида елкама-елка туриб, юзага келган барча муаммоларни биргаликда ҳал қилганмиз.

Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги икки томонлама муносабатлар юксак эканини барча даражадаги, биринчи навбатда, давлат раҳбарларимиз ўртасидаги ишончли мулоқот руҳи тасдиқлайди.

Ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг устувор йўналишлари, жумладан, мамлакатларимиз ҳудудларида узок муддатли дастурлар ва йўл хариталари муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Икки томонлама изчил ўзаро ҳамкорликда Ўзбекистон ва Россиядаги энг оммавий жамоат ташкилотлари сифатида касба уюшмаларининг ўрни беқийёс.

Бугун биз Россия касба уюшмалари фуқароларининг ижтимоий ва меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича босқичма-босқич ҳамда изчил ишларни давом эттираётганининг гувоҳи бўляпмиз. Россия мустақил касба уюшмалари Федерациясининг диққат марказида бандлик, кафолатланган иш ҳақи, хавфсиз меҳнат шaroитлари, ижтимоий кафолатлар ва аҳоли учун муносиб ҳаётни таъминлаш масалалари бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади.

Икки давлат касба уюшмалари ўртасида имзоланган икки томонлама келишувни амалга ошириш доирасида биз иш тажрибаларимиз билан ўртоқлашяпмиз, делегациялар алмашяпмиз, миллий марказлар ва аъзо ташкилотларимиз даражасидаги тадбирларда қатнашяпмиз.

Албатта, буларнинг барчаси Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги икки томонлама ҳамкорлигимизнинг барча соҳаларда тора мустаҳкамланиб бораётгани тўғрисида амалга ошяпти.

Ишончим комилки, Россия мустақил касба уюшмалари Федерацияси билан Россия ўртасидаги икки томонлама ҳамкорлигимизнинг барча соҳаларда тора мустаҳкамланиб бораётгани тўғрисида амалга ошяпти.

Ишончим комилки, Россия мустақил касба уюшмалари Федерациясининг диққат марказида бандлик, кафолатланган иш ҳақи, хавфсиз меҳнат шaroитлари, ижтимоий кафолатлар ва аҳоли учун муносиб ҳаётни таъминлаш масалалари бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади.

Халқaro меҳнат ташкилотининг умумэътироф этилган стандартлари асосида Россия ҳукмати, касба уюшмалари ва иш берувчи-

лар ўртасидаги ижтимоий шериклик ва ижтимоий мулоқот даражаси бошқа мамлакатлар касба уюшмалари ташкилотлари учун намуна бўла олади.

2017 йилдан бошлаб Россия мустақил касба уюшмалари Федерацияси ва Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси ўртасидаги муносабатлар хурматли Михаил Викторовичнинг Ўзбекистонга ташрифи тўғрисида сизга жиҳатидан янги босқичга кўтарилиб, ҳамкорлик шартномаси имзоланганини алоҳида таъкидламоқчиман.

Ушбу келишувни амалга ошириш доирасида биз ўз иш тажрибамиз билан ўртоқлашяпмиз, делегациялар алмашяпмиз, миллий марказлар ва аъзо ташкилотларимиз даражасидаги тадбирларда қатнашяпмиз.

Албатта, буларнинг барчаси Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги икки томонлама ҳамкорлигимизнинг барча соҳаларда тора мустаҳкамланиб бораётгани тўғрисида амалга ошяпти.

Ишончим комилки, Россия мустақил касба уюшмалари Федерацияси билан Россия ўртасидаги икки томонлама ҳамкорлигимизнинг барча соҳаларда тора мустаҳкамланиб бораётгани тўғрисида амалга ошяпти.

Ишончим комилки, Россия мустақил касба уюшмалари Федерациясининг диққат марказида бандлик, кафолатланган иш ҳақи, хавфсиз меҳнат шaroитлари, ижтимоий кафолатлар ва аҳоли учун муносиб ҳаётни таъминлаш масалалари бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади.

Халқaro меҳнат ташкилотининг умумэътироф этилган стандартлари асосида Россия ҳукмати, касба уюшмалари ва иш берувчи-



Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Ниғматилла Йўлдошев бошчилигидаги прокуратура органлари вакиллари билан Россия Федерацияси билан муносабатларни янада мустаҳкамлаш бўйича мулоқот бўлиб ўтди.



Ўзбекистоннинг Япониядаги элчиси Мухсинўжа Абдурахмонов Япониянинг World Air-Sea Service Co., Ltd. сэйэхлик компанияси вакиллари билан учрашди.

Унда компания президенти Йосуке Кикума, корпоратив брендинг департаменти бош директори Ичиро Уэкама ва Токио филиали раҳбари Мицухиро Айзава иштирок этди.



Имом Бухорийнинг «Биррул волидайн» (Ота-онага яхшилик қилиш) асари илк бор араб тилидан ўзбек тилига таржима қилинди.

Мақсуд лойиҳа давлатимиз раҳбари томонидан Бухоро вилоятига қилинган ташриф давомида буюк аждодимиз Имом Бухорий асарларини ўзбек тилига таржима қилиб, халқимизга етказиш бўйича берилган топшириқлар ижроси асосида амалга оширилиб, китоб таржимаси асосида халқчил рисола тайёрланди.

Анджон давлат чет тиллар институти магистранти Абдулло Рўзиев америкалик олим ва машҳур таржимон Марк Эдвард Риз билан ҳамкорликда Утқир Хошимовнинг «Дунёнинг ишлари» асарини инглиз тилига таржима қилди.

Айни кунда Абдулло Рўзиев ҳамда Марк Риз таржимаси асосидаги асар машҳур Amazon платформасида сотувга қўйилган. Бундан ташқари, институт мутасаддиларининг таъкидлашича, ушбу таржима асар Нью-Йорк шаҳри метро бекатларида ҳам реконструкция қилинмоқда.



ЖАМОАТЧИЛИК Назорати Қандай Юрилади?

САВОЛ: Билишимча, касба уюшмалари меҳнат ва меҳнатни муҳофизат қилиш масаллари бўйича жамоатчилик назоратини юритар экан. Бу жараёнда жамоатчилик назорати қайси идора ёки органларда, қандай воситалар орқали амалга оширилиб, натижалари бўйича қандай чоралар кўришга ваколати бор?

Фаррух ЖУМАЕВ

Олтириқ тумани

ЖАВОБ: «Касба уюшмалари тўғрисида»ги қонунга мувофиқ давлат органлари, уларнинг мансabdор шахслари, иш берувчиларнинг ходимлар ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларига тааллуқли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар ижросини таъминлашга, жамоа шартномалари ва келишувларини бажаришга, ижтимоий шериклик доирасида амалга оширилган лойиҳалар ҳамда дастурларни рўйбга чиқаришга доир фаолияти жамоатчилик назорати объекти ҳисобланади.

Жамоатчилик назорати касба уюшмалари томонидан давлат органлари, уларнинг мансabdор шахслари, иш берувчиларга аризалар, шикоятлар ва таклифлар билан мурожаат қилишга, уларга сўровлар юбориш, олинган ахборотни давлат органлари, иш берувчиларнинг коллегиал бошқарув органларининг вакиллари иштирокида муҳокама қилиш, ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларига тааллуқли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар, давлат органлари, иш берувчилар қарорлари лойиҳаларининг жамоатчилик мониторинги, жамоатчилик муҳокамалари, жамоатчилик экспертизаси ҳамда жамоатчилик эшитувларини ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

Жамоатчилик назорати натижалари бўйича баённома, ҳулоса, маълумотнома, кўрсатма, тақдирнома шаклидаги ёхуд қонунчиликда назарда тутилган бошқа шаклдаги якуний ҳужжат тайёрланади.

Якуний ҳужжатда баён этилган ахборот, тавсиялар ва таклифлар давлат органлари ҳамда иш берувчилар томонидан мажбурий тартибда кўриб чиқилади ва улар юзасидан қарорлар қабул қилинади ва бу ҳақда тегишли касба уюшмалари хабардор қилинади.

Иш берувчилар, ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан жамоа шартномаси ва келишувнинг шартлари бузилган тақдирда, касба уюшмалари уларга бу қоидабузарликларни бартараф этиш тўғрисида тақдирнома юборишга ҳақли бўлиб, тақдирнома бир ҳафталик муддатда кўриб чиқилади. Бу қоидабузарликларни бартараф этиш рад қилинган ёки белгиланган муддатда келишувга эришилмаган тақдирда, келишмовчиликлар қонунчиликка мувофиқ кўриб чиқилади.

Ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларига тааллуқли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларининг бузилиши фактлари аниқланган тақдирда касба уюшмалари материалларни Давлат меҳнат инспекциясига ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга юборишга ҳақли.

Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт бўлими



**Қашқадарё
вилояти**

Пойтахтга биргина ташрифнинг ўзида тарихий қадимжоларни зиёрат қилиш, янги замонавий дам олиш масканларида ҳордиқ чикириш, республиканинг етакчи театрида спектакль томоша қилиш... Фурсатни ана шундай мароқли ўтказишга не етсин!

Ички туризм

САЁҲАТНИНГ ГАШТИ БЎЛАКЧА

Яқинда Таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Яқкабоб, Чирокчи, Қўқдала, Қамаш туманлари кенгашлари Тошкент шаҳри ва вилоятга икки кунлик саёҳат ташкил қилди.

Воҳалик 50 нафар педагог «Амирсой» дам олиш масканида табиат гўзалликларидан баҳраманд бўлди. «Tashkent Siti»нинг муъжизакор маҳобати, «Ғалаба боғи»нинг тарихий экспонатлари, Муқимий номидаги мусикали драма театрида спектакль намоиши барчамизда катта таассурот қолдирди.

«Янги Ўзбекистон боғи»нинг тақрорланмас таровати дилларга хайрат ва ғурур бағишлаган бўлса, Зангнота мажмуаси зиёратидан сўнг кўнгиллариимиз нурга тўлгандек бўлди.

Алишер ХОННАЗАРОВ,
Таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Яқкабоб тумани кенгаши раиси

**Тошкент
шаҳри**

«12-Қурилиш трести» АЖ ҳозирги кунда пойтахтдаги йирик қурилиш ташкилотларидан бири. Айни пайтда бу ерда уч минг нафарга яқин ишчи-ҳодим меҳнат қилмоқда. Уларнинг қонуний ҳақ-ҳуқуқини етарлича таъминлаш ва ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлашда жамоа шартномаси муҳим аҳамият касб этмоқда.

Раҳбарият ва касба уюшма қўмитаси яқинда жамоа шартномасида белгиланган вазифаларнинг 2023 йилги таҳлилини ўтказдилар.

Ийгилиш асноси «12-Қурилиш трести» АЖ бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари Бахтиёр Нейматов ҳамда касба уюшма қўмитаси раиси Ойбек Нормаматов хизматчиларга ҳисобот беришди.

Таъкидланганидек, ходимлар учун барча шароитлар яратилган. Ижтимоий-иқтисодий ҳамда ҳуқуқий ман-



ҲИСОБОТДАН ХОДИМЛАРНИНГ Кўнгли тўлдими?

фаатларини таъминлаш йўлида қатор ишлар бажариб келинмоқда. Бундан ташқари, тез-тез маданий тадбирлар, спорт мусобақалари, саёҳатлар ташкиллаштирилляпти.

Жонли мулоқот тарзида ўтган

машваратда жамоа шартномаси доирасида бажарилган ишлар қониқарли, деб баҳоланди. Шунингдек, келгусидаги режалар белгилаб олинди.

Амир АХМЕДОВ

ҲУЖЖАТ ИЖРОСИ ҚОНИҚАРЛИ



«Тошкент метрополитени» ДУҚДА масъул раҳбарлар ҳамда метрополитен касба уюшма қўмитаси ходимлари ўртасида жамоа шартномасининг 2023 йилги муҳокамаси ўтказилди.

Унда бажарилган ишлар асоси қилинажак вазифалар ҳам муҳокама қилиниб, жамоа шартномасига қўшимча ва ўзгартиш киритиш бўйича таклифлар илгари сурилди.

Ҳисобот якунида жамоа шартномасининг бултурги ижроси қониқарли, деб топилди.

Ўз мухбиримиз



**Хоразм
вилояти**

ЯНГИ ДАВР МЕҲМОҢХОНАСИ

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси 2018 йилда «Хоразм palace»ни инвестиция киритиш шартини харид қилганида, бу меҳмонхона қарзга ботган, ходимлари ишдан бўшатилиши ҳақида огоҳлантирилган ҳолатда эди. Шу боис Федерация унинг фаолиятини ривожлантириш бўйича алоҳида маркетинг режа ишлаб чиқди. Сўнгра унга ўз касбининг моҳир устаси, туризм соҳасида узоқ йиллар самарали меҳнат қилган Равшанбек Қурбанов раҳбар этиб тайинланди ва ишчан, тиришқоқ, салоҳиятли мутахассислардан иборат жамоа шакллантирилди.

Президентимизнинг 2017 йил 7 февралдаги тегишли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!» ички туризмни ривожлантириш дастури доирасида Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Раёсатининг 2019 йил 12 мартдаги қарорига асосан «Хоразм palace» меҳмонхонаси жамоаси зиммасига касба уюшма аъзоларининг Хоразмга саёҳатини уюштириш вазифаси юклатилди, - дейди Равшанбек Қурбанов. - Бу меҳмонхона фаолиятини тубдан ўзгартирди. Ҳозир «Хоразм palace»да 143 ўринга мўлжалланган, 2 та люкс, 64 та бир кишилик, 37 та икки кишилик ва 2 та апартамент хоналари мавжуд. Уларнинг барчасида меҳмонлар учун зарур қулайликлар муҳайё қилинган, рақамли телевизор, музлаткич ва юқори тезликдаги бепул Wi-Fi тизими бор. Телевизордан ўзбек ва чет эл телеканаллари кўрсатувларини томоша қилиш мумкин. Валюта айирбошлаш, сауна, тренажер хонаси, массааж, трансфер ва ДНН почта хизматлари ҳам яхши йўлга қўйилган. Шунингдек, турли анжуманлар ўтказиш учун шарт-шароитлар яратилган.

Дарвоқе, мана, олти йилдирки, юртимизнинг турли гўшаларида яшовчи касба уюшма аъзолари ва уларнинг яқинлари Федерация ҳомийлигида кўҳна ва навқирон Хивани томоша қилишмоқда. Агар 2019 йилда 10 мингдан зиёд аъзо меҳмонхона кўмағида Хоразмга саёҳат қилган бўлса, бултур уларнинг сони 25 мингга яқинлашди. Меҳмонлар меҳмонларга поезд чипталарини харид қилишда амалий ёрдам кўрсатиб, автобусда келувчилар учун алоҳида шароитлар яратишмоқда. Сайёҳлар гуруҳлари Урганч темир йўл вокзалида карнай-сурнай садолари остида кутиб олинмоқда.

Касба уюшмалари ички туризмни ривожлантириш соҳасида амалга ошираётган тадбирлар худудлар аҳолисининг меҳмондўстлигини, узро муштарақ ва фарқли урф-одатлари анъаналардан баҳраманд бўлиш имконини берди, бир миллиат, бир халқ эканлигини терефроқ англашга ундади. Мўҳими, ажодлар мероси билан яқиндан танишиш инсонга улкан маънавий қувват бағишлайди. Рухан ва жисмонан тектик киши эса соғлом фикрлайди, Ватани ва халқи олдидаги бурчинини терефроқ англайди, шунга монанд эзгу ишларга кўл уради.

Аваллари худудларга саёҳатлар уюштиришда анча қийинчиликлар мавжуд эди, - дейди сирдарёлик Комиля Розикова. - Меҳмонхона ва автобус билан боғлиқ муаммолар туғайли ҳамма ҳам саёҳатга чиқишга рози бўлавермасди. Эндиликда бу борадаги ташкилий ишлар намунали йўлга қўйилган. Натижада ўзимизни хоржилик сайёҳлардай ҳис қилаймиз.

Шуни ҳам айтиш жоизки, меҳмонхона томонидан «Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизларга ҳам сайёҳлик хизматлари кўрсатилмоқда. Умида маҳалласи ёки қишлоғидан четга чиқмаган аёллар бундан ғоят мамнун бўлишмоқда.

Очғини айтсам, гўёки чет эллардан энг машҳур меҳмонхонага бориб қолгандайман, - дейди фарғоналик Олина Мансурова. - Чунки бу бинога яқинлашганимиз



ҳамон хизматчи ходим дарҳол эшикни очиб, бизни ичкарига бошлади ёки чиқшимизда яхши тилақлар билан кузатиб қўяди. Хоразмча миллий либослар, тақинчоқлар, сувенирлар кўргазмаси ҳам кўзни қувонтиради. Севимли «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари барчага маъқул алоҳида жойга қўйилганидан янада хурсанд бўлдим.

Қайси фаслда келишларидан катти назар, меҳмонлар юқори сифатли сервис хизматлари туғайли нуқулвайлик сезишмайди. Барча хоналарда иқлим мўътадил. Сайлаб сервистамин. Хоразм заминда етиштирилган тотли мевалардан тайёрланган шарбатлар, пархезбоп таомлар, қизикарли концерт дастурлари меҳмонларнинг яйраб дам олишларини қафолатлайди.

Хар бир гуруҳ учун алоҳида дастур тайёрланган. Икки-уч кунлик саёҳатлар давомида касба уюшма аъзолари қадимий Хива, Урганч туманидаги Улли ховли мажмуасини, Урганчдаги Охунбобо масжидини зиёрат қилиб, Хоразм уюшмалари билан яқиндан танишадилар. Музейларга кирдилар, театр томошалари ва маҳаллий санъаткорлар чиқишларидан баҳраманд бўладилар, мумтоз наволарни мориқиб тинглаб, «Лазги» кўйига рақсга тушадилар. Хоразм палови, туҳум барак, гўзма ва шивит оши тановул қилишади. Бозорларда бўлиб, Хоразм нонлари ва гуруччини арзон нархларда сотиб олишади.

Хуллас, касба уюшмалари барча сайёҳлар юртимиз гўзалликларидан завқланишлари, боқий меросларимиздан баҳраманд бўлишлари учун зарур чораларни кўрмоқда. «Хоразм palace» меҳмонхонаси жамоаси ҳам шу мақсад йўлида хизмат қилмоқда. Бунда, айниқса, Илхом Бекқон етакчилигидаги сайёҳатларни ташкиллаштириш бўлими, Санъат Юлдашев бошчилигидаги ресторан ишлаб чиқариш хизмати ходимлари, ошпазлар Гулчира Раматова, Камолитдин Жуманиев, офицантлар Боғибек Эгамбергенова ва Озода Эрқабоевалар, Ойбек Каримов раҳбарлигидаги меҳмонхона фаолиятини юритиш бўлими ходимлари, хона тозаловчилар Хилола Қуръазова, Зайнаб Шакировка, автобус ҳайдовчиси Илхом Худой-

Муҳокама

**Жиззах
вилояти**

ДОИМИЙ ЭЪТИБОР НАТИЖАСИ

Абдулла Қодирий номидаги Жиззах давлат педагогика университетига таълим сифатини ошириш, малакали кадрлар тайёрлаш, профессор-ўқитувчиларнинг илмий салоҳиятини оширишда касба уюшма қўмитасининг ҳам ўзига хос ўрни бор.

Университетнинг 2023-2025 йилларга мўлжалланган жамоа шартномасида маъмурият ва касба уюшмаси ўртасида муносабатларнинг ҳуқуқий асослари, қолаверса, меҳнатга ҳақ тўлаш, ходимларнинг дам олиши ва саломатлигини мустаҳкамлаштириш учун шарт-шароит яратиш каби ижтимоий химоя қафолатлари ўз аксини топган. Хўжалик ходимларининг махсус кийими ва бошқа химоя воситалари билан таъминлиниши, хоналарнинг санитария ҳолати ҳам назоратда.

Ўтган 2023 йилда университет ходимларини соғломлаштириш мақсадида касба уюшмаси томонидан санаторийларга 83 та йўлланма ажратилди. Бундан ташқари, ички туризмни ривожлантириш мақсадида 300 нафарга яқин профессор-ўқитувчи ва ходимлар учун Тошкент, Бухоро, Шахрисабз, Самарқанд каби тарихий шаҳарларга, 250 нафарга яқин ходимнинг зиёратгоҳларга саёҳатлари ташкил этилди. Яна бир жиҳат, таълим муассасаси ходимлари фарздандари учун ёзи таштил мавсумига 35 та йўлланма берилганидир.

Шу билан бирга, ҳар бир байрам арафасида ижтимоий химояга муҳтож ходимлар, пенсионерлар ҳолидан хабар олиш ва уларга ғамхўрлик кўрсатиш анъанага айланган.

Ҳаёт синовларидан ўтган бир ҳақиқат бор: ходимларни ижтимоий химоялаш, меҳнат шароитларини яхшилаш, уларнинг oilаси, фарздандарига ғамхўрлик кўрсатиш намунали йўлга қўйилган жойда иш бароридан келаверади.

Жаҳонгир МАЖИДОВ,
Жиззах давлат педагогика университети касба уюшма қўмитаси раиси

Фоторепортаж



берганов, техник ходим Отабек Қурбанбоевларнинг ҳиссалари катта бўлаётганини алоҳида таъкидлаб ўтти жоиз.

Касба уюшмалари ички туризмни ривожлантириш борасида кўраётган чора-тадбирлар юрдошларимизнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишда, маънавийтини юксалтиришда, тарихий билимларини мустаҳкамлашда, бугунги ислохотлар мазмун-моҳиятини янада терефроқ ҳис қилишга муҳим ўрин тутмоқда, - дейди «Хоразм palace» меҳмонхонаси директори Равшан Қурбанов. - Уларга хизмат қилаётганимиздан, ўлкамизда сайёҳлик юмтуқларини намоён этаётганимиздан мамнунмиз. Эшиқларимиз меҳмонлар учун доимо очик.

Ўтган йили 28 минг 800 нафардан зиёд меҳмонга қарийб 30 миллиард 373 миллион сўмлик хизмат кўрсатилди. «Хоразм palace» нўфусини эшитган хоржилик сайёҳларнинг аксарияти шу масканда дам олишни ниёт қилган. Уларнинг 4 мингга яқинини хизмат сафар ва бошқа сабаблар билан Хоразмга келганлар, 400 нафардан зиёдини эса хоржи сайёҳлар ташкил этди. 24 минг 500 нафардан ортиғи эса Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси уюштирган саёҳатлар иштирокчиларидир.

Ха, «Қаловини топасанг, қор ёнар» деганлари тўғри экан. Етти йил бурун боши берк кўчага кириб қолган корхона бугун ўз йўналиши бўйича воҳодаги энг йирик солиқ тўловчи ҳисобланади. Бунга ўтган йили тўланган солиқлар миқдори 3 миллиард 163 миллион сўмдан ошганидан ҳам билса бўлади.

Биз «Хоразм palace» келгусида ўз мавқеини янада мустаҳкамлашга ишонамиз.

Муҳаббат ТЎРАБОЕВА
«ISHONCH»

Соғлиқни сақлаш тизимида фаолият юритаётган ходимлар бугунги кунда ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда. Шу жараёнда Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши меҳнат инспекциясининг йиллик иш режасига мувофиқ, уюшманинг Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши ва Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ўртасида 2021-2023 йиллар учун қабул қилинган Тармоқ келишуви талаблари бажарилиши юзасидан жамоатчилик назоратини йўлга қўйишга жиддий эътибор қаратилмоқда.

Касаба уюшмаси аралашгач...

2 МИЛЛИАРД 158 МИЛЛИОН СЎМ УНДИРИБ БЕРИЛДИ

Меҳнат ҳуқуқ инспектори томонидан эса тиббиёт муассасаларида ишлаётган ходимларнинг кўшимча меҳнат ҳақларини тўла билан боғлиқ можаролар ҳолисона ва одилона кўриб чиқилмоқда. Жумладан, ўтган йили республика болалар юқумли касалликлари, кўз хасталикларни шифохоналари, шопинг тиббий ёрдам илмий маркази, тез тиббий ёрдам маркази, ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий марказининг Қорақалпоғистон филиаллари, С.Султанов номидаги физиатрия ва пульмонология маркази, патология анатомия бюроси, У.Халмуратов номидаги республика кўп тармоқли тиббиёт маркази, Нукус ва Чимбой туманлари тиббиёт бирлашмалари, Мўйноқ тумани санитария-эпидемиология оқсийоталик ва жамоат саломатлиги бўлими, Абу Али Ибн Сино номидаги Нукус жамоат саломатлиги техникуми ишчи-ҳодимларидан келиб тушган шикоят-аризалар ўрганилди. Натижада Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимидаги жами 2115 нафар ходимга иш берувчилар томонидан умумий миқдори 2 миллиард 158 миллион 362 минг сўмлик меҳнат ҳақи тўлаб берилди.

Соҳа ходимларига маънавий жиҳатдан ҳам ёрдам кўрсатиш зарур. Шу боис уларнинг касаба уюшмасига ишончи янада мустаҳкамланмоқда.

Даврон УРАЗБАЕВ,
Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Қорақалпоғистон бўйича меҳнат ҳуқуқ инспектори

** *

БУЙРУҚ БЕКОР ҚИЛИНДИ

Фарғона вилояти Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси раҳбарининг 2022 йил 7 ноябрдаги 36-к-сонли буйруғига асосан Дилдора Халилова билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинади.

Бироқ, ходимнинг ҳомиладорлиги сабабли, у билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилиш қонунга ҳилоф экани инобатга олинмаган.

Ҳуқуқлари бузилганидан норози бўлган Д.Халилова Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Фарғона вилояти кенгашига мурожаат қилиб, амалий ёрдам сўради.

Вилоят кенгаши томонидан Д.Халилованинг манфаатларини кўзлаб судга даъво ариза киритилди.

Узоқ давом этган музокаралардан сўнг суднинг қарори билан Д.Халилова аввалги лавозимига ишга тикланди ва унга 44 миллион 370 минг сўм миқдорда пул маблағлари ундириб берилди.

Мансуржон УСМОНОВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Фарғона вилояти кенгаши бош мутахассиси

Йиғилиш



КЕЛГУСИ РЕЖАЛАР ТАСДИҚЛАНДИ

Тошкент давлат транспорт университетида 2023-2025 йиллар учун қабул қилинган жамоа шартномасида белгиланган вазибалар ижроси муҳокама қилинди.

Унда олий ўқув юрти раҳбарияти ҳамда касаба уюшма кўмитаси раиси ходимларга ҳисобот берди. Таъкидланганидек, ўтган йилда профессор ва ўқитувчиларни қўллаб-қувватлаш, ижтимоий-иқтисодий шароитини яхшилаш йўлида қатор ислотлар олиб борилди. Хусусан, жамоа шартномасида белгиланган талаблар бўйича кўплаб ходимларга ҳам моддий, ҳам маънавий кўмак кўрсатилди. Сихаттоҳларда соғлиқини

тиклаш ниятида бўлган фидойиларга имтиёзли йўланмалар тақдим этилди. Мухими, раҳбарият ва касаба уюшмаси ҳеч бир аъзони эътибордан четда қолдирмади. Йил мобайнида уларни баҳоли қудрат рағбатландирди. Тадбир асоси келгуси режалар тасдиқланди. Жамоа шартномасининг ижроси ходимлар томонидан қониқарли деб топилди.

Амир АҲМЕДОВ



Иқтисодиёти юксалаётган шаҳарда катта-кичик муаммолар йўқ эмас. Хотин-қизлар ва ёшлар ўртасида жиноятчилик жиловланаётган бир вақтда меҳнат жабҳасидаги мувоозанатнинг бузилишидан кўз юмиб бўлмайд.

Кўплаб тадбиркорлик субъектларида ишловчиларга муносиб меҳнат шароити яратиш, ҳақ тўлаш ҳақиқатдан даражада.

Учрашув

Меҳнат муносабатлари:

КАТТАҚЎРҒОНДА ҲАММА ИШЛАР ЖОЙИДАМИ?

Каттақўрғон шаҳар ҳокими Гавхар Алимованинг тадбиркорлар, ҳоким ёрдамчилари ва касаба уюшмалари вакиллари билан учрашуви айнан шу масалага қаратилди.

«Фаолият туридан қатъи назар ҳар бир ишловчи муносиб меҳнат шароити, қонуларда белгиланган бўлиши имтиёз ва қафолатлардан бераҳра қолмаслиги лозим, - деди шаҳар ҳокими. - Ҳўш, биз бугун ишчи-ҳодимларни етарли даражада кадрлай олаёмизми? Уларнинг саломатлигини мустаҳкам-

лаш, дам олишини ташкил этиш, ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этишга қай тарзда ёндашяёмиз? Ходимларнинг меҳнат ҳуқуқлари устуворлигини таъминлашда кимга суянаёмиз? Афсуски, кўплаб тадбиркорларимиз бундай саволларга жўяли жавоб тополмайди. Орамизда беминнат кўмакчи, ижтимоий шерикчиликка елка тутиб турган касаба уюшмаларининг ҳамкорлик тақлифларини рад этаётганлар ҳам йўқ эмас.

Муҳокама ва мунозарага бой бўлган учрашув шаҳар тадбир-

корларини бефарқ қолдирмади. Тадбирда сўз олган Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Каттақўрғон шаҳар кенгаши раиси Ҳамдам Ражабов касаба уюшмаларига аъзо бўлиш тартиб-тамоиллари, жамоа шартномаларининг мазмун-моҳияти ва унда белгиланган афзалликлар хусусида ташунча берди.

Учрашувда касаба уюшмалари қўмитаси аъзolari батафсил жавоблар берилди.

Нурилла ШАМСИЕВ
«ISHONCH»

«Indorama Kokand Fertilizers and Chemicals» АЖДа жамоа шартномасининг 2023 йилда бажарилиши якунларига бағишланган конференция бўлиб ўтди.

Конференция

ИМТИЁЗЛАР ИМКОНИАТ ЯРАТМОҚДА

Унда иш берувчи ва бошланғич касаба уюшма кўмитаси раиси йиғилганларга ҳисобот берди.

Кайд этилганидек, жамоа шартномаси орқали ходимлар қатор кўшимча имтиёзлардан фойдаланишмоқда. Ўтган йили қорхонанинг 16 нафар ходими имтиёзли йўланмалар асосида Ўзбекистон касаба уюшмалари тасаруфидларга «Зомин», «Чимён», «Оқтош» каби сихаттоҳларда саломатликларини мустаҳкамлашди.

Кўмакка эҳтиёж сезган ходимларга касаба уюшма кўмитаси томонидан моддий ёрдам кўрсатилди. Ишда намуна ва жонбозлик кўрсатган, қорхонанинг иқтисодий ўсишига муносиб ҳисса қўшиб келаётган ишчи-ҳодимларнинг иш берувчи ва касаба уюшма кўмитаси томонидан қўллаб-қувватланиши одатий ҳолга айланган.

Қорхонада соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш мақсадида аёллар ва эркеклар ўртасида спорт мусобақалари ташкил этиш анъана тусини олган. Уларда фаол иштирок этиб, фойдликни қўлга киритган иштирокчилар муносиб тарзда тақдирланмоқда.

Ходимлар меҳнатини муҳофаза қилиш, хавфсиз меҳнат шароитини яратиш, касб касалликларининг олдини олиш касаба уюшма кўмитасининг доимий назоратида.

Конференцияда сўз олганлар касаба уюшма фаолиятини қониқарли деб баҳолашди.

Турсунали КАРИМОВ,

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Фарғона вилояти кенгашининг Меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими мудири



Орамиздаги одамлар

ФИДОЙИ

Шаҳрисабз ўзининг чиройи, мафтуноклиги билан ажралиб туради. Айниқса, Амир Темур бобомиз ҳайкали қад ростлаган хиёбон, Оқсарой, Амир Темур, «Мақом» музейлари шаҳарнинг кўркіга кўрк қўшиб турибди. Шаҳар аҳли Амир Темур музейи очилишида, унинг ривожига ўзининг ҳиссасини қўшган фидойи фарзандлари билан фахрланади. Улардан бири ҳозирда Амир Темур номидаги моддий маданият тарихи музейи раҳбари лавозимида фаолият кўрсатиб келаётган Наби Хушвақовдир.

Наби Хушвақов 1991 йилда Тошкент давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети)нинг тарихчи археолог йўналишини тугатиб, Фанлар академияси Археология институти лаборанти, кундузги бўлим аспиранти, кичик илмий ходими лавозимларида иш олиб борди. 1996 йилда қанотига бир гуруҳ мутахассис ва шоғирдларини йиғиб, Шаҳрисабз шаҳрида музей ташкил қилиш ишларига бошчилик қилди ҳамда музей фондига мамлакатимиз тарихи ва маданиятини ўзида ақс эттирувчи 35000 га яқин осяриаткичаларни тўллаш ишига қатта ҳисса қўшди.

Наби Хушвақов фаолияти давомидан бир қанча халқаро грантларда раҳбар сифатида иштирок этди. Китоб туманидаги Саройтепа ёдгорлигида археологик қазимиша ишларини олиб боришда раҳбарлик қилди. У археолог олим сифатида 3 та китоб, 40 тадан зиёд илмий мақола ва 60 тадан зиёд илмий-оммабоп мақолалар муаллифидир. Ўзининг самарали меҳнатлари учун бир неча марта Маданият вазирлиги, вилоят ҳокимлиги, вилоят маданият

бошқармасининг фахрий ёрликлари ва муқофотларига лойиқ кўрилди.

«2006 йилнинг энг яхши музей ходими» сертификати, «Ўзбекистон мустақиллигининг 20 йиллиги», «Ўзбекистон мустақиллигининг 25 йиллиги» кўкрак нишонлари, Амир Темур жамғармаси ва «Дўстлик» орденлари билан тақдирланди. 2023 йилда тарих фанлари номзоди бўлди.

28 йилдирки у Амир Темур номли моддий маданият тарихи музейини бошқариб келмоқда. 2019 йилда музей негизини «Шаҳрисабз» давлат музей-қўриқхонасини ташкил этишда жонбозлик кўрсатди.

Ўз қасбининг моҳир устаси, бу йил 60 ёшни қаршилаётган Наби Хушвақовни барча музейшунослар номидан чин қалбдан муबारакбод этамиз. Музейнинг яна ҳам ривожланиши, раванқ топиши ҳамда муваффақиятларга эришишида омадлар тилаймиз!

Соҳиба ОЧИЛОВА,
Амир Темур номидаги моддий маданият тарихи музейи бош мутахассиси

ТАЪТИЛ ПУЛИ КАМ ТЎЛАНГАН ЭДИ

«Менга яқинда салкам 7 миллион сўм йиллик меҳнат таътилига ҳисобланмай қолган қўшимча тўловим ундириб берилди. Айни моддий томонлама эҳтиёжим борлигида қутилмаган маблағ туфайли бир камим тўлди. Худди мендай ҳамкасбларим ҳам хурсанд. Бунинг учун қуюнчақ жамоа ташкилотидан, елиб-юғурган инспектордан миннатдорمиз. Яхши инсонлар кўпайсин...».

Бу Юкори Чирчик тумани Санитария-эпидемиология осяишталик ва жамоат саломатлиги бўлими лаборанти Саида Таштамованинг кўнғироқ орқали айтган миннатдорлик сўзлари...

Яқинда Юкори Чирчик тумани Санитария-эпидемиология осяишталик ва жамоат саломатлиги бўлимида ўрганиш ўтказди. Унда ташкилот томонидан ходимларга «Йиллик меҳнат таътили вақтида сақланиб қолиндиган ўртача иш ҳақи миқдорини аниқлаш тартиби тўғрисида»ги Йўриқнома талабларига амал қилинишида меҳнат қонунчилиги талаблари бузилгани аниқланди. Маълум бўлишича, 2020 йил март ойидан 2021 йил июль ойигача бўлган даврга меҳнат таътили пули нотўғри тўлангани оқибатида 40 нафар ходимга жами 162 миллион сўмга яқин маблағлар тўлаб берилмаган.

Ушбу масалани ижобий ҳал этиш бўйича ташкилот раҳбарига кўрсатма хати киритилди. Бироқ хатда қайд этилган талаблар ўз вақтида бажарилмади. Шундан сўнг Фуқаролик ишлари бўйича Юкори Чирчик туманлараро судига даъво ариза киритилди.

Кўрилган чоралар туфайли, жорий йилнинг март ойда барча ходимларга юқоридagi маблағлар тўлаб берилишига эришилди. Шунингдек, ушбу ташкилот раҳбари билан келгусида бу каби қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўймаклик, ҳисоб-китобда қонун нормаларига амал қилиш ҳақида келишиб олинди.

Муҳаммаджон РЎЗМЕТОВ,
Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Тошкент вилояти бўйича меҳнат ҳуқуқ инспектори

МЕҲНАТ ДАФТАРЧАСИ МАШМАШАСИ

ёхуд низо келтириб чиқарадиган оддий омиллар хусусида

Амалдаги меҳнат қонунчилигида иш берувчи ходим билан меҳнат шартномасини бекор қилиш, ходимни бу ҳақда буйруқ билан таништириши ва меҳнат дафтарчасини унга топшириши белгиланган. Қонуннинг ушбу талабларига риоя қилимаслик иш берувчи ва ходим ўртасидаги ҳуқуқий низога сабаб бўлади.

Жиззах шаҳридаги 1-сонли давлат мактабгача таълим ташкилоти маъмурияти тарбиячи Захро Холматова билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишда шундай қонунбузилишига йўл қўйган эди.

Иш берувчининг 2023 йил 31 майдаги буйруғига кўра, тарбиячи Захро Холматова билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишда, аммо меҳнат дафтарчаси белгиланган тартибда топширилмаган, бироқ олгани ҳақида имзоси қўйилган.

Жиззах вилояти ИИБ экспорт-криминалистика марказининг 2024 йил 12 февралдаги 90-сонли ҳулосасига кўра, 2021 йил 13 сентябрдаги ташкилот

ходимларига меҳнат дафтарчалари топширилишини рўйхатга олиш дафтарчидаги имзо (7-тартиб рақамдаги) Захро Холматованики эмаслиги аниқланган.

Захро Холматова давлат мактабгача таълим ташкилоти маъмуриятининг буйруқни бекор қилиш, мажбурий бекор юрган қунлари ва маънавий зарар ундириш ҳақида даъво аризаси билан Фуқаролик ишлари бўйича Жиззах туманлараро судига ариза қилган. Бироқ суднинг 2023 йил 30 октябрдаги ҳал қилув қарорига кўра, унинг даъво талаблари рад этилган.

Шундан сўнг, чиқарилган ҳал қилув қароридан норози бўлиб, Жиззах вилояти судининг апелляция инстанцияси ҳақида

корта қилган. 2024 йил 28 февралдаги ажримга кўра, Захро Холматовага иш берувчидан 16 миллион 626 минг сўм компенсация тўловлари ундириб берилган.

Шу ўринда ҳақли савол туғилди: муассаса раҳбари меҳнат қонунчилигини билмайми? Туманлараро фуқаролик суди низо нега қонуний ҳал қилмай ортиқча оворагарчиликларни келтириб чиқарди?

Сардор МЎМИНЖОНОВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Жиззах вилояти кенгаши меҳнат ҳуқуқ инспектори

Ҳуқуқ



Ислоҳот ва самара

Дунёнинг энергетика инқирозига рўбарў келиши тобора ойдинлашаётир. Соҳанинг «қизил чизик» сари тобора иддамлаши иқтисодийга унганмас зарба бўлиши мумкин. Вазиятдан чиқиб олишнинг мақбул ечими эса муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш самарадорлигига эришида кўринаётир.

МУҚОБИЛ ЭНЕРГЕТИКА – ЗАМОН МЎЪЖИЗАСИ

Давлат раҳбари ташаббуси билан энергия барқарорлигига эришиш, қайта тикланувчи энергия манбалари ва энергия тежовчи технологиялар имкониятларидан фойдаланиш, соҳани давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмлари тақомиллаштириш борасида изчил ислохотлар амалга оширилмоқда.

– Мамлакатимизда «Яшил энергия» манбалари яратишнинг ҳуқуқий механизмлари ишлаб чиқирилиб, амалиётга изчил жорий этилмоқда, дейди «Ўзбекистон миллий электр тармоқлари» АЖ Самарқанд вилояти ҳудудий электр тармоқлари филиалининг ишлаб чиқариш техника хизмати бошлиғи Наби Назаров. – Бу сайёҳаракатлар натижасида қайта тикланувчи энергия манбаларининг энергия ишлаб чиқаришдаги улуши йилдан-йилга ортиб бораётди. Қўш ва шамол электр станцияларининг ишлаб чиқарилиши натижасида самарадорлик кариб ўн фоизга ошгани кузатиляпти. Мақсад 2030 йилгача муқобил энергия манбаларини 27 гигаваттга етказиши, соҳанинг ишлаб чиқаришдаги умумий улуши миқдори 40 фоизга олиб чиқишга қаратилган.

Дароқе, кейинги уч йилда соҳага саккиз миллиард долларлик инвестиция жалб қилинганнинг ўзидек ҳаётий заруратга интилиш ифодаси. Бу жараён Самарқанд вилоятида ҳам қизғин кечмоқда. Нуробод туманида «Солар-1» ва «Солар-2» лойиҳасига қўл урилди. Хорижий «Акфа Павери» компанияси томонидан бунёд этиладиган бу қурилма 1000 мегаватт электр энергияси ишлаб чиқариш имконини беради. Аяни чоғда, туманда йилга 100 миллион кВт ток ишлаб чиқарувчи қўш станцияси фаолият йўлга қўйилган.

Соҳадаги ийрик лойиҳалардан бири бу 500 миллион кВт электр энергияси ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган «Чўпон ота» қўш станциясидир. Самарқандга туристик марказни тоқ билан таъминловчи бу қурилма катта иқтисодий тежамкорлик манба бўлиб хизмат қилмоқда.

– Каттақўрғон туманида қуввати 220 МВт бўлган қўш фотозлектр станцияси қурилиши низолабланган, – дейди Самарқанд магистрал электр тармоқлари филиали директори ўринбосари Алишер Раҳмонов. – Шунингдек, «Иштихон» ФЭС орқали 500 МВтгача электр энергия узатиляпти. Аяни чоғда Самарқанд МЭТ буюртмаси асосида «Тутли қўш» фотозлектр станцияси учун ажратилган 230 гектар ер майдони бегона жисмлардан тозаланди ва «евро сетка» тўсиқлар ўрнатилди.

Жомбой туманидаги «Оҳалик олтин боғлари» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Насим Тўрақулов таваккал қилиб эмас, балки аниқ ҳисоб-китоблар орқали ўз далаларига қўш панеллар ўрнатди. Дехконнинг айтишича, 100 гектарлик ҳосилга қирган боғни ривожлантиришда қатор қийинчиликларга дуч келган. Асосан насос орқали суғориладиган майдонларга бир дунё пул сарфлаган. Боз устига, саратонда, яъни аяни дараклар чанқаганда электр энергиясидан узилишлар ҳосилдорликка ҳам, экинлар ривожига ҳам салбий таъсир ўтказган. Шу боис, омилдор дехкон даласига қулниқ қуввати 60 кВт фотозлектр станциясини ҳеч иккиланмасдан ўрнатди. Аяни чоғда, 220 та қўш батареяси кўмағида боғнинг учдан бир қисми беминнат суғорилмоқда.

– «Дехқонобод» массивида янги барпо қилинган интенсив боғимизни ҳам муқобил энергия манбалари орқали томчилик суғоришни йўлга қўйганамиз, – дейди у. – Ҳозирча токни эҳтиёж учун ишлапаямиз. Келгусида истеъмолдан ортганини сотиш ҳам режамида бор.

Тан олиш керак, «қўшли хонадон» дастури ҳали тўлиқ омаллашиб кетгани йўқ. Аҳоли ва жисмоний шахсларнинг кўпчилиги қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланган ҳолда, ишлаб чиқарилган электр энергиянинг эҳтиёждан ортган қисмини сотиш тартибларидан етарлича хабардор эмас. Аянан шу масала билан ҳам қизиқиб кўрдик.

– Утган йили 260 та ташкилотда истеъмолдан ортган энергия миқдори бир миллион 600 киловатт соат, 103 та хонадонда эса ижобий тафовут 58 миң киловаттга ташкил этмоқда, – дейди вилоят ҳудудий электр тармоқлари қорхонаси масъул ходими Темур Арипов. – Мамлакатимизда «яшил энергия» сертификатининг жорий этилиши бу борадаги ишларнинг янада жонланишига муҳим асос бўлиб хизмат қилади.

Дарҳақиқат, Самарқанддаги «ЎЗБАТ» қўшма қорхонаси мамлакатимизда биринчи бўлиб, «яшил энергия» сертификатини қўлга киритди. «Ўзбекэнерго» АЖнинг 2000 дона «яшил энергия» сертификатини харид қилган компания утган икки ой мобайнида тўлиқ қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқараётир. Демак, удалласа бўларкан.

Қисқаси, «Яшил энергия» ҳаётимизга мўъжиза сифатида кириб келди. Уни ривожлантириш, афзалликларидан баҳраманд бўлиш эса ўзимизга боғлиқ.

НУРИЛЛА ШАМСИЕВ «ISHONCH»



СУРХОН ВОҲАСИДА ПИЁЗ МЎЛ БЎЛАДИ

Пиёз қадим-қадимдан етиштириб келинаётган ўсимлик. У эрамиздан 4 миң йил олдин Хитой, Ҳиндистон, Эрон ҳамда Осиёнинг бошқа давлатларида маълум ва машҳур бўлган. Кейинчалик Миср орқали Европага ҳам кириб бориб тез тарқалган ва озиқ-овқатлар тайёрланадиган маҳсулотларнинг энг асосий масаллиқларидан бирига айланган.

Сурхон диёрида бу маҳсулотнинг асосан оддий бошпиез, «Сумбула», «Зафар» ва бошқа навлари етиштирилади. Маҳаллий иқлим шароитида оддий бошпиез одатда февраль-мартда, «тўқсонбосди» услуди ноябрь-декабрда, шунингдек, ёзинг охири ва кузнинг бошида, яъни август-сентябрь ойларидан экилади.

Вилоятда 2024 йил ҳосили учун бултўр 18140 гектар майдонга пиёз уруғи қадалди. Шундан 10714 гектари хусусий томорқа эгаларига, 4422 гектари дехкон хўжалиқлари («Е-Аукцион») очик платформаси орқали дехкон хўжалиқлари ташкил этиш учун ажратилган ер майдонларида, 3004 гектари фермер хўжалиқларига қарашли ерлар. Бундан ташқари, жорий йил ҳосили учун эрта кўламда фермерлар 570 гектар майдонга кўч пиёз экиди. Чунки ўтган йили бурча тўфдаги хўжалиқлар томонидан 195,2 миң тонна пиёз етиштирилган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткичи 216 миң тоннага етказиш режалаштирилган.

– Воҳа аҳолиси истеъмоли учун қарийб 100 миң тонна пиёз керак бўлади. Ортгани эса, Тошкент шаҳрига ва бошқа ҳудудларга етказиб берилиши. Масалан, ўтган йили жами қиймати 6554,2 миң долларлик 31161,8 тонна пиёз хорижа экспорт қилинди, – дейди вилоят қишлоқ хўжалиги бошқармаси бўлими бошлиғи Қилич Каримов. – Президентимиз раислигида жорий йил 18 мартда қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноати соҳаларига инвестицияларни янада кенгроқ жалб қилиш ҳамда экспортни кўпайтириш масалалари муҳокамасига бағишлаб ўтказилган видеоселектор йиғилишида мева-сабзавотлар

экспортни ҳар қачонгидан ривожлантириш буйича тегишли вазиқлар белгилаб берилди. Уларнинг ижросини таъминлаш ва экспортёр қорхоналар учун қўлайликлар яратиш мақсадида вилоятимизда 6 та Экспорт-логистика маркази ташкил этилди. Уларда барча қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг сифати ва яроқлилик мuddати замонавий талаблар асосида фитоназоратдан ўтказилади. Қолаверса, бу йилдан эътиборан ноз-неъматлар етиштираётган табиқорлар, фермерлар узок йўл босиб, бошқа ҳудудга бормасдан ўз маҳсулотларини ушбу марказ орқали экспортга йўналтиришлари мумкин.

Вилоятда ўтган йили 276 та экспортёр қорхона томонидан 28 давлатга 143 турдаги 233,7 миллион долларлик саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари жўнатилди. Бу ишга 144 та янги қорхона жалб этилди. Жорий йилда эса 230 миллион долларлик саноат, 270 миллион долларлик дехқончилик маҳсулотларини экспорт қилиш кўзда тутилмоқда.

– 2018 йилда 100 миң доллар миқдоридидаги маблағ билан иш бошланганди, – дейди экспортёр Олим Хуррамов. – Дастлаб маҳсулотларимизни Сирдарё вилоятига олиб бориб, экспорт қилардик. Бу катта қийинчиликлар туғдиради. Музабар туманида логистика марказлари очилиши эса бизга экспортни ўз ҳудудимизда туриб, тўғридан-тўғри амалга ошириш имконини яратди. Бу йил 30 миң тонна пиёзни МДХ ва Европа давлатларига чиқаришни мўлжаллаямиз.

ЧОРИ ЖУМАКУЛОВ «ISHONCH»

Жараён



Жараён



Бухоро вилояти

БАҲОРГИ ҲАРАКАТ – КУЗГИ БАРАКАТ

Президентимиз қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ислохотлар муҳокамасига бағишланган йиғилишларда томорқалардан янада самарали фойдаланиб, бир йилда икки-уч мартагача ҳосил олиш зарурлигини кўп таъкидлайди. Негаки, бу хўжалиқни ривожлантириш аҳоли даромадларини оширишнинг, бозорлар тўқин-сочинлигини таъминлашнинг муҳим омилларидан бири саналади. Мамлакатимиз аҳолисининг асосий қисми эса томорқа ерларига эга. Хусусан, Бухоро вилоятидаги томорқаларнинг жами майдони 38 миң гектар атрофида. Аммо айрим қишлоқ қачон, қанақа экинлар ёки дараклар экиш ва уларни қандай парваришлаш лозимлигини яхши билилмагани боис ўз ихтиёрлиқдаги ерлардан дуруст ҳосил ололмайдилар.

Қайд этиш жоизки, томорқалардан фойдаланиш уларда асосан қандай маҳсулотлар етиштирилишига қараб, вилоятимизнинг ҳар бир тумани ва уларнинг ички ҳудудларида бир-биридан фарқланади. Масалан, Ромитаннинг Қўрғон, Вобкеннинг Қипчоқ, Пирмат худудлари анжир ва анор, Гиждувон ҳамда Шофирқоннинг Жилвон массивлари узун, Будудимизда туриб, тўғридан-тўғри амалга ошириш имконини яратди. Бу йил 30 миң тонна пиёзни МДХ ва Европа давлатларига чиқаришни мўлжаллаямиз.

Мабодо, томорқадан иссиқхона қурилган бўлса, унга экинларни навбатма-навбат экиб, парваришлаш мумкин.

Очиқ ерлардан ҳам, уларнинг ҳолатидан келиб чиқиб, йилга камида икки-уч марта ҳосил ола бўлади. Бунинг учун омилқорона иш юрийтиш, экинларни тўғри жойлаштириш ва сифатли парваришлаш талаб этилади. Агар агро-техника қондаларига қатъий рўя қилинса, ҳар соғих ерда 8-10 миллион сўмдан 40-50 миллион сўмгача даромад олиш мумкин. Масалан, кўч барра пиёз февраль-март ёки август ойида экилса, 4 ойда тайёр бўлади, яъни июнь ёки ноябрда 20-25 сантиметргача ўсади. Томорқа эгалари орасида уни бандча қилиб сотиб, ойига 10 миллион сўм даромад орттирадиганлар ҳам кўп. Демак, томорқа қанча катта бўлса, самарадорлиги шунча ошади.

Январда ерларнинг шўри ювилиб, февралда картошка экилса, май ойи охири ва июнь ойи бошида пийиб этилиб, ўртача 400 килограмм ҳосил беради. Май ойида стақанчаларда оқ бош қарам уруғидан кўчат тайёрланса, уни июнь ойи бошида картошканидан кейин экиб, сентябрда ҳосил кўтариш мумкин. Январдан сентябргача уч бор ҳосил етиштирса бўлади.

Сентябрда саримсоқпиёз экиш мақсада мувофиқдир. У келаси йил март ойи бошида барра ҳолатига келади, демак, йиғиштириб олиб, ўрнига янги экиш, масалан, редиска экилса, фойдалан ҳоли бўлмайди. Редиска таҳминан 45-50 кунда, яъни апрель ойи низоюсида тайёр бўлади. Ундан кейин помидор экиш зарар қилмайди. Бу усул

хам очик ерда уч марта ҳосил олиб, оила даромадини мустаҳкамлаш имконини беради. Зеро, вилоятдаги қайси қишлоққа борманг, томорқадан унумли фойдаланаётган оилаларда тўқин-сочинлик ва фаронлик барқарорлигига гувоҳ бўласиз.

Кези келганда, томорқачиликка дахлдор баъзи муаммолар ҳақида ҳам гапириб ўтайлик. Масалан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари савдоси йўлга қўйилган доимий бозорнинг йўқлиги, томорқалар учун минерал ўғитлар сотадиган дўқонлар мунтазам ишламаслиги, сараланган сифатли ва қафолланган уруғларнинг, ўсимликлар касалликларига ва зарарқуранда хашаротларга қарши курашишда қўлланиладиган оригинал препаратларнинг танқислиги, аҳолидан мева-чева, сабзавот ва поллиз маҳсулотларини қилиб қилиб, музлаткичларда сақлаб берадиган ва сервис хизматлари кўрсатадиган ёки уларни қайта ишлайдиган қорхоналар қамлиги, масвум даврида нархларнинг пайсийиб юборилиши, баъзи худудларда ариқлардан оқидиқан сув эҳтиёжни қондирмаслиги шулар жумласидандир.

Шубҳасиз, бундай муаммолар бартафар этилса, томорқалардан барақали фойдаланиш имкони янада кенгайди.

ФАРҲОД ЖУМАЕВ,
Бухоро давлат
университети доценти,
биология фанлари номзоди

Мулоҳаза

СУВ ТЕКИН ЭМАС



Саволнинг жавоби оддийгина: вилоятда узок йиллар бу муаммога жиддий эътибор қаратилмади, инвестициялар жалб этилмади. Оқибатда одамлар сони ва яшаб жойлари кўпайгани сайин муаммо кўлами ҳам кенгайиб бориб. Боз устига, ўтган асрнинг 70-йилларида ётқизилган қурувлар маънан эскириб, яроқлилик мuddати тугади. Шу зайл вилоятда маъжуд 292 та сув иншоотидан 76 таси ёки 26 фоиз, жами узунлиги 8,1 миң километрга тенг ичимлик суви тармоқларидан 4,3 миң километри, аниқроғи, яримдан ортинги таъмирталаб холга келиб қолди.

Вилоят ҳокими Муротжон Азимов шуларни назарда тутиб, 2022 йил апрель ойида бўлиб ўтган йиғилишда ичимлик суви билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишда Президентимиздан амалий ёрдам суради. У з навбатига, давлатимиз раҳбари бу муаммо анча жиддийлигини таъкидлаб, Қашқадарёда марказлашган ичимлик суви таъминотини яхшилаш учун вилоятга алоҳида эътибор ва кўмак берилишини маълум қилди.

Шундан сўнг воҳада ўзгариллар рўй бера бошлади. 2022-2024 йиллар оралигида соҳага йўналтирилган маблағ 1,5 триллион сўмдан ошди. Чунончи, 2023 йилги дастурлар доирасида 176 та маҳаллада 1083 километр тармоқда ва 116 та иншоотда қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилиб, аҳолининг ичимлик суви билан таъминланганлик даражаси 59,04 фоизга етказилди. Вақоланки, бу кўрсаткичи 2017 йил 1 январга қадар 29,8 фоизни, 2022 йили эса 43,4 фоизни ташкил этган эди.

Шу ўринда «Вилоятда марказлашган сув таъминоти қандай манбалар неғизида амалга оширилади?» деган савол туғилиши табиий. Айтиш мумкинки, бунда Китоб – Шаҳрисабз – Яккабоғ ер ости сув

Статистик маълумотларда Қашқадарё вилояти марказлашган ичимлик суви билан таъминланганлик даражаси бўйича республикамизда охири ўринларда қайд этилган. Ҳўш, бунинг сабаби нимада?

манбалари ва Талимаржон очик сув ҳавзаси, Оксус дарёси ҳамда еттига тумандаги сув ишлаб чиқариш (скважина) иншоотларидан фойдаланилади. Аҳолига 292 та сув иншооти, 312 та қудуқ, 8147,6 километр узунлиқдаги қурувлар ва тармоқлари орқали ичиладиган обихаёт етказиб берилди.

Ислохотлар жараёнида олич қишлоқлар аҳолисини бебаҳо неъмат билан таъминлаш учун махсус техникалар ажратилаётганини ҳам эътироф этиш жоиз. Масалан, «Қашқадарё сув таъминоти» АЖ аҳолининг талаб ва истақларини инобатга олиб, ҳар бирининг сифими 40 тонна бўлган 3 та янги сув ташувчи техникани қорхонанинг Ғузур филиалига бириқтирди. Натижада туманининг Туркманистон билан чегарадош олич қишлоқларига ҳам ичимлик суви етказиб бериш имконияти яратилди.

Афсуски, амалга оширилаётган ижобий ишлар билан бир қаторда, дилини хира қилувчи ҳолатлар ҳам бор. Масалан, соҳа мутахассислари томонидан мониторинг ўтказилганда Қирочки тумани, «Бўронжўз» МФЙ худудида жойлашган «Сабос» фермер хўжалиги томонидан сифими 50 миллиметрилик иккита полиэтилен қувур ёрдамида даладаги бўғдой суғорилаётгани аниқланди. Шу тумандаги «Дурсун» МФЙ худудида жойлашган «Ойбек» чорвачилик фермер хўжалиги ҳам шундай ҳолатда.



қазий қувурга ноқонуний уланиб, дала майдонини суғорайтгани маълум бўлди. Маскур ҳолатлар бўйича расмийлантирилган ҳужжатлар қонуний чора қўриш учун Қашқадарё вилояти прокуратурасига юборилди.

Яна бир мисол. Жиноят ишлари бўйича Нишон тумани суди Балхияқ қишлоғида яшовчи Уткир Абдуллаевга нисбатан қўзғатилган жинойий ишнинг қўриб чиқди. Аён бўлишича, У.Абдуллаев дехкон хўжалиги ташкил этиб, «Талимаржон – Муборак» магистрал қувурига диаметри 76 миллиметрик қувур орқали ноқонуний уланиб, ичимлик суви билан экинларни суғорган. Суд тўпланган ҳужжатларни ва томонларнинг қўрсатмаларини батафсил ўрганиб чиқиб, У.Абдуллаевга 3 йил мuddатга озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлади. Шунингдек, ундан 282 миллион 716 миң 280 сўм миқдориди зарар ундириладиган бўлди.

Шаҳрисабз туманидаги «Фурқат Инаттулла ўғли» фермер хўжалиги раҳбари Шарифжон Шарипов ҳам ўзига қарашли пахта ва галла майдонларини «Шаҳрисабз – Қарши» магистрал сув қувурига ноқонуний уланиган ҳолда суғориб келган. «Қашқадарё сув таъминоти» АЖ ва Ичимлик суви фондидан фойдаланишни назорат қилиш вилоят ҳудудий инспекцияси ходимлари ўтказган рейдлар жараёнида аниқланди.



жиноят ишлари бўйича Шаҳрисабз тумани судида қўриб чиқилди ва Ш.Шариповга салкам 1 йил 8 ойлик ахлқ тугатиш ишлари жазоси тайинланди. Етказилган 91 миллион 601 миң сўмлик моддий зарар қоплангани сабабли унга нисбатан қўлланилган қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси бекор қилиниб, суд залидан озод этилди.

Сув – ўз номин билан обихаёт! Ундан унумли фойдаланиш, исроф қилмаслик, фойдаланилган ичимлик суви ва канализация хизматлари ҳақини ўз вақтида тўлаш лозим. Ҳар ҳолда, халқимиз «Олмокнинг бермоғи, емоқнинг қумсоғи бор» деган нақлни беғиз яратмаган. «Қашқадарё сув таъминоти» акциядорлик жамияти матбуот хизмати раҳбари Иштиёр Умаровнинг айтишича, вилоятда истеъмолчиларнинг фойдаланилган ичимлик суви ва қўрсатилган канализация хизматлари учун тўловлардан қарздорлиги 82 миллиард сўмдан кўпроқ экан. Бундай ҳолатларни бартафар этиш мақсадида биргина март ойида вилоят бўйича 6885 нафар истеъмолчига нисбатан судга даъво аризалари киритилибди.

Юқоридида далиллар соҳа ривож кўп жиқатдан истеъмолчиларга ҳам бевосита боғлиқлигини аңглатади. Аён ҳақиқат эса шуки, сувнинг ҳам суғроғи ва уволни бор. Шукрона қилайлик, бу йилги қишнинг охири яхши келди. Тоғларимиз оппоқ қорлар билан қопланди. Қўklamда эса осмондан барака ёмиғи ёғиб, дарёларимиз сувга тўлмоқда, далаларимиз ишилликка бурканмоқда. Далилимиз серобликдан ёришмоқда. Бу кўтаринки рух йил бўйи ҳамроқ бўлиши, сув танқислиги келиб чиқмаслиги учун эса обихаётни асраб-авайлаб тежашимиз ва кадрлашимиз зарур бўлади...

Акмал АБДИЕВ «ISHONCH»



Фарғона вилояти

Шухрат Турдиев Фарғона шаҳридаги кўзи ожиз болалар учун ихтисослаштирилган «Нурли маскан» мактаб-интернатида 1 ставкада ўқитувчи бўлиб ишлаб келаётган эди. Лекин қўтилмаганда тарбиячи лавозимига ўтказилди.

Кўмак

ТУРДИЕВ ЎЗ ВАЗИФАСИГА ҚАЙТДИ

Бундан норози бўлган Шухрат Турдиев Ўзбекистон касабалар уюшмалари Федерацияси Фарғона вилояти кенгашидан хукукий кўмак сўради.

Мурожаатни ўрганиш давомида Ш.Турдиев ҳеч қандай буйруқсиз, муассаса раҳбарининг оғзаки топшириғига асосан, меҳнат қонунчилигига зид равишда бошқа лавозимга ўтказилгани маълум бўлди.

Ўзбекистон касабалар уюшмалари Федерациясининг Фарғона вилояти кенгаши томонидан «Нурли маскан» мактаб-интернати директориغا Ш.Турдиевни аввалги лавозимига ўтказиш ҳамда дарс соатлари билан тўлиқ таъминлаш тўғрисида тақдимнома киритилди.

Бироқ иш берувчи томонидан тақдимнома тўлиқ қаноатлантирилмади. Ш.Турдиев ўқитувчи лавозимига ўтказилган бўлса-да, ammo негандир 10 соат дарс берилди.

Иш судга чораси. Суднинг қарори билан Ш.Турдиев аввалги ўқитувчи лавозимига қайти ва 20 соат тўлиқ дарс соати билан таъминланди. Иш берувчидан эса унинг фойдасига 5 миллион сўм маънавий зарар ундириб берилди.

* * *

ИНТИЗОМЛИЙ ЖАЗО БЕКОР ҚИЛИНДИ

Бағдод туманидаги 12-мактаб директори С.Каримовага иш берувчи томонидан шу йилнинг январь ойида «ҳайфсан» интизомий жазо тарғиб қилинади. У бундан норози бўлиб, Ўзбекистон касабалар уюшмалари Федерациясининг Фарғона вилояти кенгашига арз қилади.

Кенгаш мутахассислари ушбу мурожаатни белгиланган тартибда ўрганиб чиқишга, интизомий жазо чораси меҳнат қонунчилиги талабларига зид равишда қўлланилгани маълум бўлди.

Ўзбекистон касабалар уюшмалари Федерацияси Фарғона вилояти кенгаши томонидан Фарғона вилояти Мактабгача ва мактаб таълими бошқармасига аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш бўйича тақдимнома киритилди.

Натижада С.Каримовага нисбатан қўлланилган интизомий жазо тўғрисидаги буйруқ бекор қилинди.

Мансуржон УСМОНОВ,

Ўзбекистон касабалар уюшмалари Федерацияси Фарғона вилояти кенгаши бош мутахассиси

Ўзбекистон касабалар уюшмалари Федерацияси раҳбарияти ва жамоаси Ўзбекистон касабалар уюшмалари Федерациясининг Назорат-тафтиш комиссияси раиси Баҳодир Умурзоқовга ўғли

Нодир УМУРЗОҚОВ

вафот этгани муносабати билан таъзия изҳор этади.

Маданият, спорт ва туризм ходимлари касабалар уюшмалари Республика кенгаши жамоаси Республика кенгашининг Сурхондарё вилояти бўйича масъул ташкилотчиси Абдуғаффор Бўриева отаси

Рауф ота БҮРИЕВ

вафот этгани муносабати билан таъзия билдирди.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Агротехноложик мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси қошидаги «Қишлоқ хўжалиги махсулотларининг сифатини баҳолаш маркази» давлат муассасаси жамоаси ташкилотининг Қорақалпоғистон Республикаси филиали бош метрологи

Зиннатдин САЛИЕВ

вафот этгани муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик билдирди.

Бугунги кунда ижтимоий тармоқларда фирибгарлар кўпайиб кетган. Бу иш билан шуғулланувчилар одамлар онгига шу қадар маҳорат ва психологик ёндашув билан таъсир қилишадикки, ҳайрон қолмай иложингиз йўқ. Орамизда ўша кимсаларга ишониб, чув тушиб қолаётганлар ҳам кўп. Куйидаги ҳикоямиз шу ҳақда.

Улар «Facebook» орқали танишдилар. Кунларнинг бирида Мунисага келишган бир йигит «дўстлик» сўровини юборди. Унинг исми Мершон Айдин бўлиб, ниҳоятда хушсурат, ўта самимий ва хушмуомалали, ҳозир 36 ёшда бўлса-да, ҳамон оила қурмаган экан. Шу боис киз унинг дўстлигини дарров қабул қилаётди.

Йигит аввалига инглиз тилида хабар юборди. Муниса бу тилни билмагани сабабли рус тилида жавоб ёзди. Улар бир-бирини тушуниб олишлари учун «Google translate» иловаси киёв қилди. Сўнгра ўзаро суҳбатлари авж олди. – Нега фамилиянгиз туркча? – дея қизикди Муниса. – Ота-боболарим турк миллатига мансуб бўлишган. Онам эса англиялик, – деди Мершон. – Туркияда амакиларим бор, уларни кўргани тез-тез бориб тураман.

«Демак, мусулмон экан!» қизнинг кўнглида алланечук ёқимли бир туйғу жўш урди. Мершон эса унга жуда гўзал киз эканлигини бир кунда бир неча марта айтишни қанда қилмасди. Айниқса, Ўзбекистон таърифини ижтимоий тармоқлардан билишини, вақти келиб, албатта, бу мамлакатда меҳмон бўлиши ва Муниса билан бирга сەҳат қилишини кўп такрорларди. Ўзаро мулоқотлар жараёнида Мунисанинг 30 ёшга кирганини, лекин ҳали турмушга чиқмаганини, қаерда ишлагани ва машини ҳам билиб олди.

– Сиз оладиган ойликка мен яшаётган Ливерпулда кун ўтказиб бўлмайди. Қандай қилиб барча эҳтиёлларни қоплаш мумкин? – Йиғлаб турган «смайлик»ларни юбориб, таажубланди у.

– Бизда ҳамма нарса арзон, сизлардаги каби қиммат эмас, – тўқилганини тушунтирди Муниса. – Чиройли жойларимиз ҳам жуда кўп. Масални таомларимиз эса, бутун дунёга машҳур. Юртимизга келиб, бир айлансангиз, бунга ўзингиз ҳам ишонч ҳосил қиласиз.

Мершоннинг айтишича, у Англиянинг Ливерпул шаҳридаги денгиз бўғида жойлашган нефть казиб олувчи гигант компаниялардан бирида муҳандислик қилар экан. Маоши ҳам анча кўп. Ёлғиз ўзи яшагани учун пулини банкда сақлар ва ора-орада бева-бечораларга, болалар уйига садақа ҳам қилиб турар экан.

Муниса бундай саховатпеша йигит билан танишганидан ўзида йўқ севинди. Орадун ўн кунча вақт ўтгач, Мершон уни ёқтириб қолгани, тинимсиз у ҳақда ўйлаётгани ва роса соғинаётгани ҳақида ёза бошлади. Табиийки, шундай келишган, кўп пул топадиган, энг муҳими, ҳали ўйланмаган йигитдан бундай дил изҳорларини эшитиш Мунисага хуш ёқарди.

– Сенинг шу ойликка яшашиг менга ёқмайпти, – деди бир куни Мершон. – Мен сенга пул юбораман. Кредитларингни сўндири ва ўзингга яхши машина сотиб ол. Мен ўзим эўр шароитларда яшай, сенинг фақатгина ойлик маошига қараб ўтиришингни истамайман, виждоним қийналяпти.

– Менга пул керакмас, ҳамма нарсам етарли. Бир кун машина ҳам оларман, – деди Муниса қимтиниб. – Йўқ, барибир сенга 100 минг доллар юбораман, – тижирлик қилди йигит. – Ҳамма харажатларингни бемалол қоплайсан. Ўзингга ҳам яхши қараб, чиройли бўлиб юрасан.

Пулнинг миқдорини эшитган Мунисанинг капалаги учиб кетди. Лекин Мершоннинг гапларига ишонмади. Ишонган тақдирда ҳам, бунча пулни қандай қилиб Англадан юбориш ва Ўзбекистондаги банкдан олиш мумкин?

Бир куни Мершон денгиздан қуруқликка чиқганини, пулни электрон тарзда бўғнатишининг иложи бўлмаётгани



Ҳаётий воқеа

«FACEBOOK»ДАГИ ФИРИБГАР

нини, шу боис уни нақдлаштириш учун банкларда юганини билдириб, суратларини юборди. Қизиқ, негадир ўша кунни кўчадаги ҳамма банкоматлар «ишламаётган» экан. Йигит бундан жуда «хижолат» чекиди, қайфияти ҳам тунд бўлди. Нима қилиб бўлса ҳам, Мунисага пул юбориш йўлини топишини айтиб, ундан қайта-кайта эўр сўради.

– Менинг Келвин исмли курьер танишим бор, ўша ердан берида, – деди кейин. – Аввал сенга кўп совғалар оламанд, пулни кутининг энг тагига жойлайман. Фақат сен алоқада бўлиб тургани, курьер 28 соатда Ўзбекистонда бўлади. У сенга кутини топшириши керак.

Совғаларни кутига жойлаштириб, биттасининг ичига 115 минг доллар солиб қўйдим, – деди.

Кейин аэропортда юлбарнинг ортилиши, самолётнинг учиб кетиши акс этган сурат ва видеоларни эринмай йўллаётди...

Ниҳоят, 28 соатлик вақт ҳам ўтди. Эрта тонгда Мунисанинг телефонига курьер «Келвин»дан СМС орқали хабар келди. Унда айни дамларда Тошкент аэропортида эканлиги, совғаларни олиш учун божнамага 800 доллар тўлаш зарурилиги ҳақида ёзилган эди. Муниса четдан сўбга юборилганда ҳамма нарсани ҳисоб-китоб қилиши керак шекилли, дея ҳайрон бўлди. Дарҳол Мершонга СМС ёзиб, вазиятни тушунтирди. Буни қарангки, Англияда қоқ тун бўлса-да, «ошиқ йигит» ухламасдан уни «Facebook»да кутиб ўтирган экан.

– Азизам, пулни сенинг давлатингдан сўрашяпти, – деди у. – Мен ҳозир денгиздаман, шу боис сенга пул жўнатолмайман. Бу жойдан локал электрон тарзда ҳам юбориб бўлмайди. Шунинг учун сен бировдан қарз ол, илтимос. Совғалар кўлингга теккаж, уни бемалол қайтарасан-ку...

Хуллас, Мершон юборган совғаси йўқолиб кетиши эҳтимоли борлигини, бу жуда қатта йўқолиш бўлишини

ва курьер у ерда икки соатдан ортқ бўлмаганини айтиб зорланаверди. Мунисанинг боши котди. Шу орада курьердан «Аэропорт ходимасининг мана шу картасига пул ташланг» деган ёзув билан бирга ўзбекча исми-шарифли карта рақамини олди. Бир кўнгли аэропортга бориб, «Келвин» билан учрашишни ва карта эгасини ҳам топишни ўйлади. Бироқ Мершон тезроқ пул топиб совғаларни олиб қолишини тинимсиз сўрайверди.

Муниса бир ойдан бундан ўзи учун ўта қадрдон бўлиб, дилини ром этган бу йигит ўзини алдамаслигига ички ишонч ҳосил қилди-ю, танишларидан қарз сўрашга тушди. Афсуски, ҳеч қандам 800 доллар топилмади.

Ниҳоят, акасида доимо пул бўлиши эсига тушиб, унга кўнгирак қилди. Ака эса, синглисига нима учун бирданга бунча пул керак бўлиб қолганига қизиқди. Муниса бир дугонаси четдан совға олиши учун кераклигини ва курьер аэропортда эканини тушунтирди. Ахборот технологияларидан яхши хабардор бўлган, қўшма қорхонада таржимон бўлиб ишловчи акаси вазиятни эшитиб, қотиб қолди.

– Дугонангга айт, фирибгарга йўлиқибди, – деди сўнгра қатъий оҳангда. – Ҳозирок у билан алоқаи тўхтатсин. Олдин унга юборган хабарларини, сўнг унинг профилини буткул ўчириб ташлаб, блокласин. Бу нима аҳвол, шунчалар ҳам лақма бўладими одам? Дугонанг ҳозир ижтимоий тармоқлар фирибгарларга тўлиб кетганини наҳотки билмасан?

Ақасининг гапларини эшитаркан, Мунисанинг устидан муздек сув қуйилгандек бўлди. Бир ойдан бундан гаплашаётган келишган йигитни, унинг ширин сўзлари, узун кечалардаги бетакрор суҳбатлар, ўзининг орзулари ҳамма-ҳаммаси бир зумда сувга тушган тошдек ғойиб бўлди...

Холида ЭГАМБЕРДИЕВА
«ISHONCH»



Мушоҳада

Қашқадарё вилояти

Ҳолат

Катта ёшдаги футбол ишқибозлари Шахрисабзнинг «Хисор» футбол жамоасини яхши билишадими. Собик иттифоқ даврида, қолаверса, мустақилликнинг дастлабки 15 йилида бу жамоа ўзининг чиройли ўйинлари билан мухлислар эътиборини қозонган.

Жамоа 2004 йилгача Ўзбекистон чемпионати биринчи лигасида (ҳозирги Про-лига) мазмуни ўйин кўрсатган. Шу боис, «Хисор» майдонга тушган кунлари стадион мухлислар билан тўлиб тошарди. Кейин жамоа иккинчи лигага тушди. Бора-бора «Хисор»га эътибор қайтади, бутун бошли жамоа тарқаб кетди.

Ҳозир «Хисор» стадионига кирсангиз, аяқчи аҳволга дуч келасиз. Ҳайвонлар сониб, кўпорилиб ётибди. Ёритиш прожекторлари эскириб, ярқис холга келиб қолган. Майдон чими ҳам бир текис эмас.

Бир пайтлар бу ерда профессионал жамоалар ўйнаганига, стадион шахрисабзликларнинг энг сезимли хордик чиқариши маскани бўлганга ҳечам ишонмасиз. Ваҳоланки, шаҳри Кешдан Зафар Холмуродов, Шухрат Асатов, Темир Жўраев, Шухрат Мухаммадиев, Дилшод Сантов каби мохир чарм тўп усталари етишиб чиққан.

– 1996-2004 йилларда «Хисор»да тўп сурдим, – дейди собик футболчи, бугун кунда Қашқадарё вилояти футбол мактабиде мараббийлик қилаётган Одил Аҳмедов. – Афсуски, маҳаллий хокмият ва хокмиларнинг эътиборсизлиги тўғрисида ҳаққимизда ўзига хос обрўга эга бўлган «Хисор» тарқалиб кетди. Футбол мактабимизда 300 нафарга



«ҲИСОР»НИНГ АЯНЧЛИ АҲВОЛИ

ёхуд Шахрисабзга катта футбол қачон қайтади?

яқин бола шуғулланади. Аммо Шахрисабзда жамоа йўқлиги учун кўпчилик болалар 15-16 ёшга тулганда «Насаф» ёки «Машғал» академияларига бориб қўшиляпти. Футболни ташлаб кетяётган ақтидорли ёшларимиз ҳам кўп...

Яхшиям «ДХХ кубоги» мусобақаси бор экан. Утган йили турнирнинг республика босқичида шаҳрисабзлик ёшлар фахрли 3-ўринни қўлга кириштирди. Яъни уларга ўзини кўрсатиш учун имконият туғилди.

– Бугун шахрисабзлик футболчиларни турли жамоаларда учратиш мумкин, – дейди мураббий Отабек Хотамов. – 2022 йил «Ёшлар лигаси»да 2008 ва 2009 йилда туғилган болалардан иборат жамоаларимиз республика чемпиони бўлишди. Агар уларга етарлича шароит қилиб берилганда жамоа ўсишда давом этарди. Аммо ғо

либ ўсимирларимиз бугун турли футбол академиялари ва клубларга тарқаб кетишган. Шахрисабзда катталар жамоаси йўқлиги учун уларни ушлаб қолиш қийин бўляпти.

«Хисор» стадионини айланиб чиқар эканман, бу ерда кўп мартаба кураш бўйича Амир Темир хотирасига бағишланган нуфузли халқаро турнирлар ўтказилгани ёдимга тушди. Афсуски, стадионнинг ҳозирги ҳолати яна шундай йирик мусобақалар ўтказиш учун талабга жавоб бермайди.

Кизиқ. Шахрисабзга катта футбол, мухлисларни ҳаяжонга солидиган йирик турнирлар яна қайтармакан?

Жавобини Шахрисабз футбол хокимилиги, спорт ва футбол мутасаддиларидан кутиб қоламиз.

Акмал АБДИЕВ

«ISHONCH»

Баҳор... Ҳар шохда гул, ҳар ўнғир кўм-кўк. Энг биринчи очилаётган митти кўк гуллардан тортиб, бойчечак, лола ва қизалдоққача давом этади бу ёзувчилар.

Шу кунларда Самарқандга бордим. Ёлғовчи машинада талаба қизлар ҳамроҳлигида кетяпман. Ҳайдовчи табиатга ҳамоҳанг қўшиқ кўйди:

Чаман қулсин ҳатто тошлардан...

Йўллар... Йўллар бунча гўзалликни ўзига сивдиролмади, боғлар кетганга ўхшади. Чиноздан бошлб Жиззахгача лойлақларни томоша қилиб кетдим. Худди уй кўтариб тозаланган келчинак каби қушлар ҳам инларини соғлаб билан овера. Сарбоза яқинида тўлачилик билан шуғулланадиганлар шўл бўида ўркачиларни боқиб юрбди. Одамлар машинадан тушиб, туяларга ум бериб, силлаб, суратга тушяпти. Истананлар сунтини сотиб олиши мумкин.

Озгина юриб, отларни, тойчоқларни кўрдим. Бунча гўзал бўлмаसा булар. Кўй-қўзилар ҳам шахарда, тошдевор ичида ўсган меннинг болаларимга мўъжизанинг ўзи.

Йўл четидаги яшиллик, гуллаган, гўнчаласан дараклар кўзини олади. Ҳайдовчи шеркларнинг илтимосига бинаан, ҳали дарактзорда, ҳали туялар ойдаё тўхтади. Қизлар сочига чамбарак қилиб тақшиш учун момкаймоқнинг сариқ гулларини териб келишди. Мен шундоқ усиб турган ялтиларни узгим келди. Бирок...

Сал нарида полиэтилен қопчида чикинди сочилиб ётибди, ундан нарида сув идишлар... Ҳафсалам пир бўлиб, термадим. Ҳайдовчи кутса экан, яшилланган қирга чиқиб кетсам...

Машина оинасидан кузатиб кетяпман. Ҳар қадамда гўзаллик устига тортилган қора чиқиқлар, яъни турли чиқиндилар, бир марталик идишдан тортиб, елим қоп, намсочик, ҳар нима бор...

Бир йили қишлоқдаги укамнинг сигири касал бўлганда ветеринар шифокор келиб кўради ва сўйишни

маслаҳат беради. Молни сўйишса, ошқозонидан резина кўлқоп чиқибди. Укам яқинда олган молига, унинг боласига, кетган пулига ачиниб қолаверди...

Йўл бўида ўтлаб юрган жониворларга қараб, узокроққа кетиндилар, бу ерда адашиб, бирон нима еб қўймадилар, дегим келади. Шамол қора елим қопчаларни баланд-баланд учиради. Ўзимиз сутини ичиб, гўштини истеъмол қиладиган чорвага шундай зарар етказялмиз. Бутун борлиқни, табиатни абгор қиляпмиз.

Қизиқ, шундай гўзал фасл, чиройли манзарани қандай «олтин қўллар» бузар экан-а?..

Тўғри, йўллар ёмон. Айниқса, ёғинарчиликлар катта трассани «қийнаб юборган». 24 соат қатнов тинмайбоган бу йўл ёқасидаги манзиллар байрам ва ҳайитларда яна серқатнов бўлади. Афсуски, яна чиқитлар қўнаяди.

Шу ўринда бир мулоҳаза: биз доим муаммолар учун катталарни, раҳбарларни айблаёмиз. Аммо ўзимизнинг қўлимиздан келадиган ишлар ҳам бор-ку. Ўзимиз эътиборли бўлсак, олам гулистон. Чиқиндиларни машина ёқилга учун тўхтаганда, махсус идишларга ташласак бўлади-ю. Йўқ, биз бўшаган сув идишларни улқтирамиз. Махсулотлар қовоэно чиқитларни гапирмаса ҳам бўлади.

Табиат инсоният билан курашиб нафас оляпти. Йўл четидаги дараклар шохига нимадир илиниб қолса-да, қийос гуллаган. Биз ташлаган чиқитлар орасидан яшил майсалар буй кўрсатган... Аммо бу олишувда биз енгиламиз. Авлодларга неча юз йилдаям чириб кетмайдиган чиқитли далалар қолдирмайлик.

Шу замин ўзимизники, унинг гулу гийёи бизга неъмат. Далаларнинг хуш ифори, тоғу қирларнинг кўз тўймайдиган гўзал манзараси тўрт фаслда ҳам гўзал. Баҳор барибир чиройини ял-ял қилиб келгани учун тез билинади. Бу гўзалликка ўзимиз қоратортмайлик!

Манзура ШАМС

ҲАЗРАТ НАВОИЙДА Рамазон талқинлари

Ўзбекистонимизда нишонланаётган ҳар бир байрамнинг таг-замирида муайян эзгу ғоя, демакки, яхшилик тарғиби мужассам. Рамазон ҳайити ҳам бундан мустасно эмас. Унинг туб моҳиятини англаш эса ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз ҳисобланади.



Барчага аёнки, адабиёт дин, дин эса адабиёт эмас. Лекин мусулмон халқлари сўз санъатини диндан айро тасаввур қилиб ҳам бўлмади.

Исломот таълимоти ўтмишида сўз санъатимиз учун маънавий асос эди. Буни барча мумтоз шоиру адабларимиз, хусусан, Алишер Навоий ижоди яққол исботлаб турибди. Дадил айтиш керакки, туркий тилда ҳали-ҳануз ҳеч бир қалам соҳиби исломни ана шу бобокалонимизчалик ташвиқу тарғиб қила олмаган. Даврнинг ўзи Навоийга исломнинг буюк тарғиботчиси бўлиш вазифасини юклаган эди.

Шоирнинг «Сирож ул-муслимин» асаридеда рўза ҳақида икки махсус фасл мавжуд. «Исломотнинг тўртунчи рукниким, рўзадур, шарҳ этмак» деб аталган фаслда рўзанинг тартиб-қоидалари баён қилинган. Масалан, тўз ё сиркага тил теккизиб, таъм билиш, онага боласи учун нон чайнаш раво экани, рўздорлигини унутиб, еб-ичиб қўйиш ҳам кечирилиши айтилади. «Фавт бўлган (яъни бузилган) рўза аъизи ва кафорати» фаслида рўзани бузиб қўйиш «айб»и етмиш мискинга таом тортиш ё олтмиш кун рўза тутиб бериш ёхуд Тангри йўлида бир бандани озод қилиш билан ювилади, дейилади.

Бу – Навоийнинг соф диний руҳдаги асаридеда келтирилган рўза таърифи.

Гарчи шоирнинг бадиий асарларида ишқ ва унинг рамзий тимсоли саналмиш май кўпроқ куйланган бўлса-да, гоҳ тўғридан-тўғри, гоҳида эса восита билан ислом қоидаларига, жумладан, рўза тарғибига ҳам дуч келамиз.

«Хамса»нинг биринчи достони бўлмиш «Ҳайрат ул-аброр»нинг 2-мақолати ислом хусусида. Унда ислом аркони, яъни устунларини беш фарз – нймон, намоз, закот, рўза ва ҳаж ташкил этиши айтилади.

Албатта, бир йилда бир ой рўза тутиш, аввало, меъдани бўш қўйиш:

**Меъдани холилик ила қил тўло,
Неча хало анда сафодин мало.**

Лекин, шоир наздида, рўза фақат жисм масаласигина эмас. Унинг уч шарт бор.

Биринчиси – тонг сахардан то қуёш ғарбга бош қўйгунга қадар оғизга ҳеч нарса олмаслик.

Иккинчиси – бадандаги ҳар бир аъзога шарият йўли билан рўза буюриш:

**Соғир аъзога халал етмамак,
Шарҳ хилофига шурӯэ этмамак.**

**Ҳар бири ўз шуглига зоҳид бўлуб,
Мангил хилоф ичра музоҳид бўлуб.**

**Бормагю қўрмагю тутмагю,
Айтмагю, эшитмагю ютмагю.**

Учинчиси – кўнгилни пок тутиш:

**Лекин учунчиси будурким, кўнгул,
Чунки эрур махбети анвори қулл.**

**Поку равонбахш ҳавоси анинг,
Жилвагаҳи файз фазоси анинг.**

Чунки кўнгил илоҳий сирлар хазинаси, шохий чеҳра, яъни Аллоҳ жамолини акс эттиривчи ойна ҳисобланади.

**Маъзани асрори илоҳий ҳам ул,
Ойнаийн чеҳрайи шохий ҳам ул.**

Шунинг учун бу кўзгунга турилиш ҳаёллар зангидан тозалаш, шундай асраш керакки, унда фақат дўст, яъни Аллоҳгина акс этсин, ундан бошқа нарсанинг нақши кўринмасин:

**Дарф қилиб занги ҳаёлотни,
Асрамоқ ул навъ бу миъротни, –**

**Ким анга жуз дўст зухур этмагю,
Балки, анинг гайри хутор этмагю.**

«Фарҳод ва Ширин»нинг Ҳусайн Бойқаронинг ўғли Абулфаворис Шохғариб Баҳоқирга панду насихат тарзида битилган 53-бобида шох бўлиш учун илм эгаллаш таъкидланади. Навоийнинг наздида, шох ҳар қандай илми ўрганиши керак. Бироқ дин илмига келганда, уни асосий манзил айласин. Чунки бу – асл илм:

**Гузар қил ҳар неча илм ўйса ҳосил,
Чу дин илмига етсанг, айла манзил.**

**Шаҳ улдурким, шори илми диндур,
Нединким илми дин илм ул-ақидур.**

**Удум ичра ўқусанг юз туман фасл,
Тамому фаръу дин илми эрур асл.**

**Бу дин илмики, хомам қилди тахрир,
Эрур фикҳу ҳабиус сунера тафсир.**

Дин илмини эгаллаганиндан кейин бошқа фанларни хоҳ ўрган, хоҳ ўрганма, дейди Навоий. Лекин, деб давом этади шоир, тиб илмининг ҳам кишига керак жойи кўп:

Ва лекин тиббу ҳикмат ҳам эрур ҳўб, –

Ки сихдатдур киши жисмида матлуб.

Ахир, тани соғ бўлмаса, тўшқадан бош кўтармасе, бу одам Тангри амрларини қандай қилиб адо этсин, нечук рўза тутсин, не янглиғ саждага бош эгсин? Ёхуд оғзига пахта билан сув томзиб турилган бўлса, у одам қандай қилиб рўза тутсин:

**Қаю жисмеки онинг сихдати йўқ,
Қилура Тенгри амрин қуввати йўқ.**

**Ўровиким пахта бирла су(в)ни ютқай,
Ўзунг деким, не янглиғ рўза тутқай?!**

**Нетиб қилвай сафодин саждае фош,
Тўшқадин улки олмас лаҳзае бош.**

Рўза тутиш учун ҳам, аввало, соғ бўлиш керак. Бу – тўғри. Лекин соғ бўлиш учун рўза тутиш ҳам ҳақиқат. Шоир асарларида бу ҳақда ҳам талай мулоҳазалар мавжуд.

Бобокалониимиз чаҳорёрлардан бири – Муҳаммад алайҳиссаломнинг куёви бўлмиш ҳазрати Алининг ҳикматли сўзлари жамланган насрий «Наср ул-маолий» тўпламидан шеърга солиб таржима қилган «Назм ул-жавоҳир» асаридедаги рубоийларида рўза билан бевосита ё билвосита боғлиқ кўп ва ҳўб насихатлар баён этилади.

Ҳазрати Али ва Навоийлар наздида, қорин ҳамма шакишга душман, у билан дўст бўлмаслик керак:

**Ҳар кимгаки кўп таом емак фандур,
Билгилки, најсосатқа тани масқандур.**

**Қорнинг била дўст бўлмасанг аҳсандур,
Невчунки эр ўзгива қорин душмандур.**

Гап шундаки, тўқликнинг маънавий зиёни бор. У киши кўнглини қаттиқ қилади:

**Кўп тўйма ер эл аросидин ихрож ўл,
Савм аҳли аро бош қўю соҳибтож ўл.**

**Ким қалби рақиқ эрур, анга муҳтож ўл,
Тўққул чу кўнгулни қаттиқ айлар, оч ўл.**

Кўп овқат егандан кейин кишининг лоҳас, демакки, бепарво бўлишини замонавий тиббиёт илми ҳам тасдиқлайди. Чунки бунда тананинг бутун кучи овқатни ҳам қилишга кетади. Қорин тўқ маҳали кучли жисмоний меҳнат қилиш ҳам, жиддий ақлий фаолият ҳам қийин кечади. Бутун диққати меъданинг ишлашига қаратилган организм мускулларга ҳам, миёга ҳам етарли микдорда озук, яъни қон етказиб беролмайди. Лоҳаслик – ана шундан. Бепарволиғи бепарқлик эса – кўнгли қаттиқликнинг ўзгана. Шунинг учун ҳам Аллоҳ йилига бир ой рўза буюрган. Ота-боболаримиз бунинг қадрини билан тутган. Рўзадан руҳга – софлик, баданга – саломатлик келиши аниқ:

Доим тут ўзунга рўзанинг меҳнатини, –

**Ким руҳқа етқурур сафо давлатини,
Сихқат тиласанг, қилиб анинг ниъатини, –**

Ким рўздада кўйдиллар бадан сихқатини.

Рўза фақат саломатликни мустаҳкамлайдиган амалгина эмас. У киши руҳида сабрни ҳам кучайтиради. Албатта, сабр осон иш эмас. У аввалига қаттиқ бошти, киши кўнглини маҳзун қилиши мумкин. Аммо одамни зафарга олиб борадиган ҳам – ана шу сабр:

**Сабр арчи кишига ранж афзун айлар,
Охир киши фаолни ҳумоюн айлар,**

**Сабринг нечаким кўнгулни маҳзун айлар,
Ҳар сабр зафарга мақрун айлар.**

Биз йиллар мобайнида бутун ўтмиш маънавий меросимизда юксак қадрлабди, тарғиб қилиб келинган сабрни тамом бошқа мазмунларда тушуниб, тушунтириб келдик. Сабру қаноат ҳақида айтилган ҳар қандай ҳикмати тўғи синфий зулғма қуниш, ҳукмрон доиралар манфаатларига хизмат қилиш мазмунида талқин этилди. Ҳолбуки, шарқона доғишманлик: «Дунёда ҳеч нарса сабрдек қулай эмас», – деганда батамом бошқа инсоний ҳаловатни кўзда тутган эди:

**Ўқ лаззати сабрдек муқаддар ниманинг,
Ўз ҳурдигадур завқи муқаррар ниманинг.**

**Беаслга йўқ фаҳми муяссар ниманинг,
Фаръа берур асдин хабар ҳар ниманинг.**

Ахир, инсон учун сабр ҳаёт кечиришининг энг муҳим шартларидан.

Демак, рўза, умуман, овқат масаласида қаноатли бўлиш, меъёридан ортиқ нарса истеъмол қилмаслик ислом оламида изчил бир таълимотга айланган. Шарқ табобатида-ку бу жиҳат кучли тараққий этган. Кўп касалликларга парҳез буюрилиши бежиз эмас.

Тандаги ҳар қандай ортиқчилик руҳга, яъники маънавиятга – кишининг феъл-атворига салбий таъсир қилиши табиийлиги илмда исботлангани айтилди. Та-саввуфда эса жисм ва рух, уларнинг ўзаро уйғунлиги-га эришиш, аниқроғи, жисми руҳга мослаштириш – бош масала. Сўфийнинг асосий мақсади – руҳ қалоли-тига эришиш. Рух жисм устидан ҳукмронлик қилиши учун аввал жисм нафси енгизи керак. Ейишга ўчлик ҳам – нафси бад. Сўфийлар ҳар қандай нафсга қарши кураш эълон қилади.

Тасаввуфда солиқ шарият қоидаларини оғишмай бажариши шарт.

Милодий 1006 ва 1088 йиллар орасида яшаган шайх ул-ислом – ҳазрати Хожа Абдуллоҳ Ансорий шундай дегандар: «Ҳар нимадин бир миқдорни олсалар, бир миқдори қолур, шариятдан ўзаки, бир миқдори андин кам бўлса, ҳеч нима қолмас». Демак, шарият

қоидаларидан биригина бажарилмаса ҳам, ундан ҳеч нарса қолмас, яъни бошқа барча сатъ-ҳаракат зое кетар экан.

Рўза ҳам – шарият қоидаларидан. Сўфийларнинг рўзага муносабати бошқа оддий мусулмонларникидан ажралиб туради. Навоий Асарларида тасаввуф аҳли рўзаси ҳақида талай эътиборли маълумотлар бор.

Сўфийлар ҳақидаги таъкир – «Насоийим ул-муҳаббат...»да келтирилишича, оддий одамлардан фарқли ўлароқ, тасаввуф аҳли, ҳатто, кўзларини номашруъ, яъни шариатга хилоф нарсага қарашдан, қулоқларини номашруъ гап ё товуш ешитишдан («Қулоққа ёмон эшитиладиган гапдан сақлан»), деган ҳадиси шариф ҳам бор), оёқларини номашруъ қадам ташлашдан, кўзларини номашруъ нарсага тегишдан тияди ва ҳоказо барча аъзоларини шундай чеклайди. Улар ҳаммадан кўра кўпроқ кўнгилларига рўза буюради, токи қалбда Аллоҳдан бошқа нарса бўлмасин.

Сўфийлар учун шариятдан ҳам бурун амал қилина-диган икки муҳим масала мавжуд. Биринчиси – тавба. Иккинчиси – луқма ҳиллияти. Бу истеъмол қилинади-ган нарсанинг ҳалоллиги, дегани. Ҳалол – ҳам моддий, ҳам маънавий тушунча. Моддийлиги – мусулмон учун ейиш ҳаром ҳисобланмаган нарсаларгина истеъмол қилинади. Масалан, чўчка ё эшак, ўлиб қолган қўй ё мол гўшти ҳалол эмас. Лекин «луқма ҳиллият» кўпроқ масаланинг маънавий тарафига – истеъмол қилинадиган нарсанинг ҳалол меҳнат ё ҳаром йўл билан топиладиганига дахлдор.

Ақари шайхлар ҳалол касб билан кун кўрган. «Насоийим ул-муҳаббат...»да Навоий бундан алоҳида таъкид-лайди: «Ва соғир машоихи кибордин (яъни улуг шайхлардан) ҳам кўпи ҳалол луқма касбия муздуру-луқ қилибтурлар, ўтун тошибтурлар ва ҳалол луқ-ма бу ишда қулайдурки (яъни кўндирки), андин фаз-ва маърифат зоянда (яъни пайдо) бўлур».

Бир шайх ейиш учун шубҳали туялган луқмани сувга ташлаган. Кейинги бир неча йил: «Борди-ю, уни балқ еган бўлса, балқини еб, уноҳга қолмай», деган хаёл билан балқ емаган экан...

Ҳалол меҳнат эвазига келган махсулотнигина истеъмол қилиш масаласига диққат шу даражада бўл-ганики, мабодо, билиб-билмай шундай таом еб қўйил-са, бу гуноҳни тузатиш учун жуда кўп саъй-ҳаракат қилинган. Навоий эъзади: «Ва бир шубҳалик луқма онча тийралик келтурурки, кўп вақт анинг ислоҳига машғул бўлуб, маълум эмаски, дафъи не навъ сура-тоблар».

Хиндистонда мутлақо гўшт емайдиған, фақат ўсимликлар – мева-сабзавот билангина умргузарон-лик қиладиган маънаблар (вегетарианлар) вакиллари кўпчилиги биласиз. Америкалик олим Пол Брегг бу-нинг тўғрилигини илман исботлашдан ташқари, бу-тун инсоният бир кун келиш шу йўлга ўтишини, барча экиладиган майдонларда пиширмасдан истеъмол эти-ладиган сабзавот ва мевалар етиштирилишини орзу-лайди. Тасаввуф вакиллари орасида ҳам гўшт емадан кун кўришни одат қилганлар кўп бўлган. Масалан, XIV асрда яшаб ижод қилган машҳур шайх ва шоир Камол Ҳўжаддийнинг отаси ҳам бир неча муддат, уму-ман, гўшт емаган экан.

Сўфийлар учун кўп таом еб, маза қилиш эмас, оз таом еса ҳам унинг таъмини, лаззатини, обдон ҳис эйтиш муҳим. Оз таом ейишининг лаззатини шайхлар-чалик қадрлаганлар ҳам кам. Шайх Али бинни Саҳли Азид Исфохоний шундай деган эканлар: «Ҳақ субҳо-наҳу ва таолоким, ...покиза таом азар авниёга (яъни бойларга) берибтур, таомнинг лаззатини буларга (яъни сўфийларга) берибтур». Чунки Абу Абдуллоҳ Мухтор ибни Муҳаммад ибни Аҳмад Хиравий айтиди-лар: «Таомни андоқ егилки, сен ани егайсан, йўқки, ул

сени. Агар сен ани есанг, барча нур бўлмай ва агар ул сени еса, барча дард бўлмай...».

Кўп хасталиклар бетартиб ё сифатсиз овқатланиш-дан эканини ҳамма билса керак. Одам – таомни эмас, таом – одамни егани шу-да.

Навоий асарларида бу фикрларнинг тасдиғи бўл-ган ажиб ҳикоятлар келтирилади.

Муаммал Ҳассос деган шайх Абу Абдуллоҳ Хафиф деган сўфийга: «Бориб, Жаъфар Ҳаззо деган шайх-нинг ҳолидан хабар олиб кел», деб буюради. Борса, Жаъфар Ҳаззо бир мухташам саройда эр кийиниб, лазиз-лазиз таомлар еб яшаётган экан. У меҳмонни ҳам яхшилаб зиёфат қилади. Бир неча муддат ўтиб, Муаммал Ҳассос яна Абу Абдуллоҳ Хафифни Жаъфар Ҳаззо ҳолидан хабар олиб келишга жўнатади. Кўрсак-ки, бир вайронда йиғлаб ўтирибди. Уч кундан бери туз татимаган экан. Абу Абдуллоҳ Хафиф кўп ҳаракат қилиб, унга озгина суяқ овқат ичтиради. Келиб, аҳо-лини баён қилади. Шунда кир: «Агар аввал нозу неъ-матлар ичра яшагга ружуъ қўймаганида эди, бу ҳол-га мубатало бўлмас эди», дейди.

Пол Брегг ва бошқа олимлар кўп касалликларни очлик билан даволаш йўлларини топиши, ҳатто оч-лик умри узайтиришини ягона самарали йўли сифа-тида талқин этилди. Сўфийларда эса рўзадан ташқари ҳам оч юриш раъзати бор эди.

Эслатганимиз – Жаъфар Ҳаззо бир куни Абду-рахим Истаҳарий деган шайхнинг олдига боради. Уни касалманд бир аҳволда учратади. «Сени бу дам ўлгудек кўрадурурмен заъфдин», – дейди. Шунда Истаҳарий бир бағоят катта тошни кўтариб, томга чиқариб қўяди-да, қойнахой, семизлигига ишора қилиб бўлса керак: «Эй кўй, келиб бу тошни кўта-риб, қўйи тушир», дейди. Касалманд кўринган Аб-дурахим Истаҳарий-ку бу тошни томга чиқариб қўй-ди, лекин уни хасталикда айбалаётган Жаъфар Ҳаззо тошни олиб тушолмаслиги аниқ эди. Тошни чиқар-ган шайхнинг касалманд кўриниши шундан эдики, у нақд ўн етти кундан бери туз татимаган эди. Ҳаззо руҳан тайёрлмаган оддий одам ўн етти кунлик оч-ликка чидаши жуда қийин. Сўфий эса шунча кунлик очликдан кейин ҳам унча-мунча одамда бўлмайдиган кучини намоёйш этган. «Насоийим ул-муҳаб-бат...»да шу шайх рўзани, умуман, овқат емай ўтказ-гани ҳақида ҳам маълумот берилади.

Хуллас, рўза Алишер Навоий учун шунчаки мавзу эмас эди.

Сихқат тиласанг – оз е,

Иззат тиласанг – оз де, –

ёки:

Кўп демак бирла бўлмагил ҳайвон,

Кўп емак бирла бўлмагил хайвон, –

деган ҳикमतлар битган шоирнинг бу борада изчил ва мукаммал илмий-фалсафий таълимотга суянгани аён.

Бу ҳозирги замон учун ҳам фойдали бир таълимот эканига шубҳа бўлмаслиғи керак.

Рамазон ҳайитини умумхалқ байрами сифатида ни-шонлаш бизга рўза билан боғлиқ шундай бой маъна-вий меросимизни ўрганиш имконини берди.

